

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
З.М. БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

ЭШМАТОВ РУСТАМЖОН

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИ
КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ
(1929-1932 йиллар)**

Мутахассислик: 5А 220221 – «Ўзбекистон тарихи»

Ватан тарихи магистри даражасини олиш учун

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар:

М.Ғ. АБДУЛЛАЕВ

тарих фанлари номзоди, доцент

Андижон-2013

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ 3-

1-боб. ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚИШЛОҚЛАРИ ЁППАСИГА КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ АРАФАСИДА

1.1. 1920-йиллар охирида Фарғона водийси қишлоқларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати

1.2. Қишлоқдаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларда совет ва партия органлари назоратининг кучайтирилиши

2-боб. ЁППАСИГА КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ ВА ҚУЛОҚЛАШТИРИШНИНГ ЎТКАЗИЛИШИ

2.1. Фарғона водийси районларида коллективлаштиришнинг бошланиши ва унинг хусусиятлари

2.2. Мажбурий коллективлаштиришга қарши деҳқонларнинг оммавий норозилик ҳаракатлари кўринишлари ва унинг динамикаси

2.3. Коллективлаштириш асосида “қулоқ қилиш” сиёсатининг ўтказилиши

3-боб. 1929-1932 ЙИЛЛАРДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ КОЛХОЗЛАРИНИНГ ТАШКИЛИШ-ХЎЖАЛИК ВА МОДДИЙ-ТЕХНИК АҲВОЛИ

3.1. Фарғона водийси қишлоқларида совет ҳукуматининг колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш чора-тадбирлари

3.2. Колхозларнинг моддий-техник аҳволи

ХУЛОСА

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик шароитида ва туб ислохотларни амалга ошириш жараёнида миллий тикланиш, маънавий янгиланиш, миллий ўзлик ва ўзига хосликни яхлит тарзда англаб етган, эркин демократик тафаккурга эга бўлган ва мустаҳкам миллий ғоя кучи билан бирлашган жамият аъзоларини тарбиялаш вазифаларини хал этишда тарих фанининг роли жиддий равишда ортмоқда. Президент И.А.Каримовнинг асарларида, нутқ ва мақолаларида, миллий истиқлол ғоясини шакллантириш муаммоларига бағишланган чиқишларида тарих фанининг маънавий салоҳиятини сафарбар этиш, тарихий ҳақиқатни тиклаш соҳасидаги ҳаракатларнинг кенг дастури, танланган мустақиллик ва тараққиёт йўлидан бориб, мўлжалланган мақсадларга эришишнинг мустаҳкам илмий асоси белгилаб берилди.

Кулаган тоталитар тузум даврида «биз мустамлакагина бўлиб қолмай балки, тилимизни, динимизни, бутун маънавиятимизни йўқотиш даражасига етган эдик. На чор ҳукумати, на қизил империя салатанати Туркистон халқларининг тараққий топишини ҳеч қачон истаган эмас. Ер ости ва ер усти бойликлари беҳисоб, тупроқлари ҳосилдор, табиати жаннатмакон бу ўлка, ҳалол, меҳмондўст халқи билан биргаликда 130 йил давомида мустамлакачилик азобини тортиб келди»¹.

Бугунги кунда ватанимиз тарихининг оғир мустамлакачилик ўтмиши билан боғлиқ бўлган саҳифаларига бугунги кун нуқтаи назаридан қайта баҳо бериш долзарб аҳамият касб этади. Уларга мурожаат қилишга бўлган юксак ижтимоий эҳтиёж ва унинг илмий аҳамияти шу билан белгиланадики, совет ҳокимияти йилларида ўтказилган диктаторлик сиёсати оқибатида совет ҳукмронлиги даври тарихи ниҳоятда сохталаштирилиб, бузиб кўрсатилди. Узоқ йиллар мобайнида бизнинг онгимизга коммунистик режимнинг Ўрта Осиёдаги «цивилизаторлик вазифаси» тўғрисидаги, ўлканинг «қолоқ» халқлари марказнинг давлат бошқаруви натижасида гўё зўр муваффақиятларга эришганлиги ҳақидаги афсона астойдил тарғиб қилинди. Лекин бунда совет ҳокимияти амалга оширган сиёсатларнинг салбий моҳияти ҳақида лом-мим дейилмади, кўпгина салбий ҳолатлар хаспўшланиб, ёки сохталаштирилиб кўрсатилди.

Мустақиллик йилларида малакатимиз олимлари мустамлака ўтмишининг ҳаққоний соломасини яратиш соҳасида муайян ишларни амалга оширдилар. Шундай бўлса ҳам, улар ҳали дарёдан томчи ҳисобланади. Мустамлакачилик зўравонлиги даври тарихи кўп жиҳатдан ҳали «оқ доғлар» ва «қора ўпирилишлар» билан ажралиб туради. Булар жумласига совет ҳукуматининг Ўзбекистонда амалга оширган аграр ўзгартиришлари ҳам тааллуқли ҳисобланади.

Советлар мамлакатаида аграр ишлаб чиқариш тизимида кескин ўзгаришларга сабаб бўлган жараёнлардан бири бу шубҳасиз 1920 йилларнинг охири – 1930 йиллар бошида амалга оширилган якка деҳқон хўжаликларини ёппасига коллективлаштириш сиёсати ва амалиётидир. Коллективлаштириш шафқатсиз равишда қулоқлаштириш, сиёсий террор ва тадбиркор деҳқон хўжаликларини оила аъзолари билан бирга мамлакатнинг чекка, ўзлаштирилмаган ҳудудларига сургун қилиш билан бирга олиб борилди. Бу мудҳиш жараён бугунги кунгача тарихчиларнинг муҳим тадқиқот объекти сифатида ўз аҳамиятини йўқотганича йўқ. Йил сайин бу мавзу бўйича янгидан-янги маълумотлар тарихшунослик саҳифаларини тўлдириб бормоқда. Бунда асосий эътибор коллективлаштириш ва қулоқ қилишнинг кенг кўламига, бу жараённи ўтказиш методларига ва қишлоқ хўжалигининг кейинги ривожланиш аҳволига қаратилмоқда. Энг муҳими эса бунда аввало қишлоқ аҳолисининг оғир қисмати ва тақдири ёритилмоқда. Шу сабабли ҳам собиқ СССРда коллективлаштириш давридаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўрганиш тарихшуносликнинг энг долзарб масалаларидан бири саналади. Ваҳоланки, бу муаммони тадқиқ этиш бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ривожланишини тўғри белгилаш ва ўтмиш сабоқларидан тўғри хулоса чиқариш нуқтаи назаридан ҳам муҳим ҳисобланади. Айни

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. 173-бет.

вақтда, узоқ вақт давомида фақат бир тарафлама ёритиб келинган ва маълум даражада сохталаштирилган коллективлаштириш сиёсатига объектив баҳо бериш жиҳатидан ҳам бу мавзу муҳимдир.

1980-йилларнинг иккинчи ярмидан эътиборан тарихшунослик фанида мамлакат тарихини ўрганиш ва тадқиқ этишга аввалги йилларга нисбатан бирмунча объектив ёндашиш тенденцияси кўзга ташлана бошлади. Тадқиқотларнинг ҳукмрон, бир ёқлама мафкурадан аста секин чекиниши ҳамда илгари мутлоқо махфий сақланган бир қатор архив ҳужжатларидан фойдаланиш имконининг юзага келиши коллективлаштириш ва қулоқ қилиш амалиёти ва умуман, 1920 йиллар охири – 1930 йиллар бошида қишлоқдаги ижтимоий аҳвол масалаларини ҳар тарафлама ҳолисона ёритиш имконини берди. Бу муаммога боғлиқ ва унга бағишланган илмий тадқиқотлар тобора кўпайиб бормоқда ва коллективлаштириш ва қулоқлаштириш сиёсати ва амалиёти тарихини алоҳида минтақалар мисолида ўрганиш ҳаракатлари ҳам юзага келмоқда. Бу жиҳатдан олганда айтиш мумкинки, 1920 йиллар охири – 1930 йиллар бошида Фарғона водийси қишлоқларидаги ижтимоий жараёнлар – хусусан, қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш ва якка деҳқон хўжаликларини қулоқ қилиш тарихи, бу сиёсатнинг оқибатлари масаласи бугунги кунгача махсус тадқиқот объекти бўлган эмас. Бу жараённинг бир қатор масалалари етарли даражада ўрганилганича йўқ. Шу боис, ушбу магистрлик диссертацияси учун танланган мавзу ўрганиш учун муҳим ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг асосий мақсади 1920-йилларнинг охири – 1930-йилларнинг бошида Ўзбекистондаги аграр ўзгартиришлар жараёнини Фарғона водийси қишлоқлари мисолида умумий таҳлил қилишдан иборат. Кўрсатилган мақсадга эришиш учун диссертацияда қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш вазифаси белгиланди:

-1920-йилларнинг иккинчи ярмида Фарғона водийси қишлоқларидаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни таҳлил қилиш, совет давлати амалга оширган аграр ислохотларнинг натижаларини ва бу жараёнларга маҳаллий қишлоқ аҳолисининг муносабатини ёритиш;

-Фарғона водийсида амалга оширилган ёппасига коллективлаштириш ва қулоқлаштириш сиёсати ва амалиётининг ўзига хос томонларини ўрганиш, унинг усуллари, механизмини кўрсатиш ҳамда коллективлаштиришнинг оқибатларини таҳлил қилиш;

-Фарғона водийсида коллективлаштириш сиёсатига қарши қишлоқ аҳолисининг оммавий норозилик ҳаракатларини умумлаштирилган ҳолда ўрганиш ва унинг формаларини кўрсатиб ўтиш;

-Фарғона водийси районларида ташкил этилган колхозларнинг ташкилий-хўжалик ва моддий-техник аҳолини таҳлил қилиш, колхозлардаги меҳнаткашлар умумий аҳолини ўрганиш.

Тадқиқотнинг даврий чегараси 1929-1932 йиллар билан белгиланади. Чунки қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш ҳарпакати 1929 йилнинг охиридан бошланди. Диссертацияда коллективлаштириш арафасидаги Фарғона водийсидаги ижтимоий-сиёсий ҳолатни ёритиш асносида 1927-28 йиллардаги жараёнларга ҳам тўхтаб ўтилдики, айнан шу йиллардан совет давлатининг қишлоққа бўлган сиёсати тубдан ўзгариб, деҳқонларга нисбатан маъмурий-буйруқбозлик методлари кучайиб борган. Айни пайтда ўзига тўқ, бадавлат деҳқон хўжаликларини сиёсий ва иқтисодий чеклаш сиёсати айнан шу йиллардан авж олган.

Ўзбекистонда, жумладан Фарғона водийсида қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш расман 1932 йилда якунланган.

Тадқиқотнинг жуғрофик рамкаси Фарғона водийсининг Ўзбекистон ССР таркибидаги Фарғона, Андижон округларини қамраб олган. Бу даврда Наманган алоҳида округ сифатида мавжуд бўлмай, унинг районлари Андижон ва Фарғона округлари таркибида бўлган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек тарихшунослигида Фарғона водийсида 1929-1932 йилларда амалга оширилган кишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш сиёсати ва амалиётининг баъзи масалаларига доир бир қанча илмий адабиётлар мавжуд. Ушбу асарларни икки гуруҳга – советлар ҳокимияти даврида яратилган ҳамда мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотларга ажратиш мумкин.

Адабиётлар таҳлили кўрсатадики, нашрларнинг катта қисми биринчи гуруҳга мансуб. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистондаги аграр ўзгартиришлар, шунингдек, кишлоқ хўжалигини коллективлаштириш тарихига бағишланган кўплаб илмий ишлар қилинган. Айтиб ўтилганидек, бу асарларнинг барчаси совет даври андозалари асосида, синфийлик назарияси бўйича, яъни коммунистик мафкура ғояси руҳида яратилган. Шу сабабли ҳам тадқиқотчилар масаланинг барча мураккабликларини тўла очиб бера олмаганлар, манбаларга танқидий баҳо бера олмаганлар. Кўплаб ҳаққоний далиллардан четлаб ўтилган, ислохотларнинг салбий жиҳатлари атайлаб яшириб кетилган. Мазкур асарларда тарихий воқелик тўла ва ҳаққоний акс эттирилмаган, воқеа-ҳодисалар ўта сиёсийлаштирилиб кўрсатилган. Қисқача айтганда, коммунистик мафкура таъсири боис, кишлоқдаги «социалистик ўзгартиришлар» кўкка кўтариб мақталган. Кишлоқдаги тадбиркор, ишбилармон ва ўзига тўқ хўжаликларнинг тугатилиши, мол-мулкларининг мусодара қилиниши ва ўзларининг оила аъзолари билан бегона ўлкаларга сургун қилиниши “эксплуататор синфларнинг йўқ қилиниши”, “социалистик тузумнинг ғалабаси” сифатида баҳоланган.

Ўзбекистонда, жумладан Фарғона водийсида амалга оширилган аграр ислохот масалалари бўйича назарий таҳлиллар 1925 йиларданок матбуотда эълон қилина бошланган. Бу каби тадқиқот ишларидан бири таниқли давлат арбобларидан бири Е.Зелькинанинг 1925 йилдаёқ нашр қилинган «Земельная реформа в Узбекистане» номли брошюрасидир. Иқтисодий режалар бўйича ёзилган бу брошюрада асосан, коллективлаштириш арафасидаги ер-сув ислохотининг хусусиятлари ҳақида фикрлар баён қилинган.

Ер-сув ислохоти яқунлангандан кейин Е.Зелькинанинг Ўрта Осиёдаги аграр масалаларга бағишланган катта бир китоби нашр қилинди¹. Бу асарнинг бир боби Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Зарафшон вилоятларида ўтказилган ислохот натижаларига бағишланган.

Р.Б.Бобожонованинг 1957 йилда нашр қилинган «Кишлоқдаги оммавий-партиявий ишлар» номли китобида 1918-1929 йиллардаги Фарғона водийсидаги аграр ўзгартиришлар масалалари ҳам қисман ёритиб ўтилган.

1950 йиллардан эътиборан Ўзбекистондаги кишлоқ хўжалигини коллективлаштириш масаласи тарихшуносликнинг муҳим ўрганиш объекти сифатида изчил ўрганила бошланди. 1950-1960 йилларда яратилган кўпгина илмий асарларда² Ўзбекистондаги, жумладан Фарғона водийсидаги коллективлаштириш масалалари ёритиб ўтилди. Бу асарлар ичида Р.Х.Аминованинг асарлари муҳим аҳамиятга эга³. Чунки олима ўз асарларида асосан Ўзбекистондаги аграр ўзгаришлар тарихини алоҳида мавзу сифатида чуқур таҳлил қилган. 1950-1960 йилларда колхоз қурилиши масалалари турли илмий конференция ва сессия материалларида ҳам ёритиб борилди⁴.

¹ Зелькина Е. Очерки по аграрному вопросу в Средней Азии. – М.: 1930.

² История гражданской войны в Узбекистане. Т.1. –Ташкент: 1964; Житов К.Е. Победа Великой Октябрьской социалистической революции в Узбекистане. – Ташкент: 1957; Зевельев А.И. Из истории гражданской войны в Узбекистане. – Ташкент: 1957; Иноятов Х.Ш. Октябрьская революция в Узбекистане. – М.: 1958.

³ Аминова Р.Х. Аграрная политика Советской власти в Узбекистане 1917-1920 гг. – Ташкент: 1963; Аминова Р.Х. Аграрные преобразования в Узбекистане в годы перехода Советского государства к НЭПу. – Ташкент: 1965.

⁴ Материалы объединенной научной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана (эпоха социализма). – Алма-ата: 1958.

Ўзбекистондаги ер-сув ислоҳоти масалалари фақат тарихчилар томонидангина эмас, балки иқтисодчилар томонидан ҳам ўрганилган. Бундай асарлардан бири О.Б.Жамоловнинг монографияси¹ бўлиб, унда ёппасига жамоалаштириш арафасидаги республика қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ҳолат тадқиқ этилган.

1960-1970 йилларда бир қанча фундаментал ва алоҳида нашрлар ҳам нашр этилди². Бу нашрларда ҳам Ўзбекистондаги аграр ислохотлар ва унинг натижалари коммунистик мафкура ғоялари асосида талқин қилинган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг советлар ҳукмронлиги давридаги аграр сиёсат ҳақида бор ҳақиқатни очиқ-ошкора айтиш имконияти пайдо бўлди. Республиканинг мустақил суверен тараққиёт йўлига ўтиши, ягона ҳукмрон мафкура таъсиридан бутунлай ҳалос бўлиб миллий-маънавий кадриятларни қайта тиклаш ва ривожлантириш учун соғлом вазиятни юзага келтирди.

Истиқлол йилларида советлар томонидан амалга оширилган коллективлаштириш сиёсати тарихи мавзусига доир тадқиқотлар ва адабиётларнинг иккинчи гуруҳига кирувчи услуб ва сифат жиҳатдан аввалгилардан тамоман фарқ қилувчи дарслик, мақола ва рисолалар яратилди³. Бу асарларда Ўзбекистондаги, жумладан Фарғона водийсидаги коллективлаштириш, қулоқлаштириш тарихининг турли жиҳатлари ҳолисона, ҳар тарафлама ёритиб берилди, унинг салбий томонлари ҳақида ҳам биринчи бор фикрлар илгари сурилди.

Ўзбекистондаги коллективлаштириш тарихига танқидий баҳо берилган, бу сиёсатнинг барча жиҳатлари ёритиб ўтилган монографиялардан бири таниқли тарихчи олим А.А.Головановнинг «Ўзбекистон деҳқончилиги: ижтимоий ҳолат эволюцияси. 1917-1937 йиллар» номли асари ҳисобланади. Унда Ўзбекистондаги 1925-1929 йиллардаги ер-сув ислоҳоти ва унинг натижалари, коллективлаштириш ва унинг оқибатлари масаласига ҳам кенг ўрин берилган. Коллективлаштиришнинг ўзбек қишлоғида юзага келтирган салбий оқибатлари ҳақида кўплаб фактик маълумотлар келтирилган.

Р.Шамсутдинов, Ш.Каримовлар қаламига мансуб олий ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган ўқув қўлланмада ҳам 1929-1932 йиллардаги қишлоқлар аҳволи ва коллективлаштириш сиёсати масаласига тамоман янгича методология бўйича ёндошилган, коллективлаштиришнинг салбий оқибатлари далиллар асосида кўрсатиб берилган⁴.

2000 йилда нашр қилинган “Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида” номли фундаментал асарда⁵ ҳам Ўзбекистондаги коллективлаштириш, қулоқлаштириш, коллективлаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий натижалари масаласига янгича қарашлар асосида баҳо берилган.

Таниқли тарихчи олим Р.Т. Шамсутдиновнинг 2001 йилда яратилган қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва “қулоқлаштириш” тарихига бағишланган монографиясида⁶ муаммо биринчи бор ўзбек тарихшунослигида алоҳида муаммо

¹ Джамалов О.Б. Социально-экономические предпосылки сплошной коллективизации сельского хозяйства в Узбекистане. – Ташкент: 1950.

² Торжество ленинского кооперативного плана в Узбекистане. –Т.: Узбекистан, 1970; Ўзбекистон ССР тарихи. Учинчи том. Бош муҳаррир И.М.Мўминов. –Т.: Фан, 1971; История народного хозяйства Узбекистана. Том 1. – Ташкент: 1962; Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. – Ташкент: 1964. ва бошқалар.

³ Аминова Р.Х. Коллективизация: как это было? –«Коммунист Узбекистана», 1991. №9; Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг. – Т.: Фан, 1992; Р.Ё.Ражапова ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Умумтаълим мактабларининг 9-синфи учун дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 1994; Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи. Иккинчи китоб. – Андижон: Мерос, 1998., ва бошқалар.

⁴ Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi (O'zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida). Uchinchi kitob. To'ldirilgan, qayta ishlangan ikkinchi nashri. – Т.: SHARQ, 2010.

⁵ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т., «Шарк», 2000.

⁶ Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати қва унинг фожиаи оқибатлари. – Т.: Шарк, 2001.

сифатида кўтарилган ва бу масала умумлаштирилган ҳолда кенг таҳлил этилган. Бу монографияда Фарғона водийсида коллективлаштириш ва қулоқлаштириш сиёсатининг ўтказилиши ва ундаги зўравонликлар, қишлоқ аҳолисининг коллективлаштиришга қарши оммавий норозилик ҳаракатлари масаласига доир жуда қимматли маълумотлар жамланган. Р.Т. Шамсутдиновнинг бошқа бир асарида¹ эса советлар томонидан амалга оширилган коллективлаштириш, қулоқлаштириш сиёсати, қулоқ оилаларининг сургун қилиниши ва уларнинг сургундаги фожиаи қисмати масаласи Ўрта Осиё республикалари мисолида кенг ва атрофлича ёритилган. Асарда ўрганилган муаммо бўйича жуда кенг кўламдаги бирламчи архив манбалари таҳлил қилиниб, илмий истеъмолга киритилган. Бу асарда бутун Ўрта Осиё республикаларидаги, хусусан, Фарғона водийсидаги деҳқонларнинг коллективлаштиришга қарши оммавий норозилик чиқишлари – “қишлоқ аксилинқилоби” масаласига доир муҳим маълумотлар ўзбек тарихшунослигида биринчи бор ёритилган.

Тарих фанлари номзоди, доцент М.Абдуллаевнинг номзодлик диссертациясида² ҳам биз магистрлик диссертациямизда ўрганаётган масаланинг бир қатор жиҳатлари ёритиб ўтилган.

Тарих фанлари номзоди, доцент Б. Расуловнинг яқинда нашр этилган монографиясида³ Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонлар масаласи алоҳида муаммо сифатида кўтарилган ва бу мавзу қатор фактик далиллар асосида ёритилган. Бу монографияда коллективлаштириш даврида Фарғона водийсида “қулоқ қилиш” ниқоби остида ўтказилган қатағонлар атрофлича тадқиқ этилган.

Умуман мустақиллик йилларида Ўзбекистондаги, жумладан Фарғона водийсидаги советлар томонидан амалга оширилган қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш сиёсати тарихини ҳаққоний ўрганиш бўйича янгича методология шаклланиб бормоқда. Бу яхлит мавзу бўйича янгича руҳдаги тадқиқотлар эндигина яратилмоқда. Мавзуга доир илмий тадқиқотларнинг тарихшунослик бўйича таҳлили кўрсатмоқдаки, Ўзбекистондаги, хусусан Фарғона водийсидаги аграр ўзгартиришлар ва унинг оқибатлари масаласи ҳалигача янгича методология асосида тўла-тўқис ўрганилмаган ҳамда алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида диссертацион изланиш объекти бўлмаган. Бу ҳол бизни “Фарғона водийсида деҳқон хўжаликларини коллективлаштириш жараёни (1929-1932 йиллар)” мавзусини магистрлик диссертацияси даражасида ўрганишга ундади.

Тадқиқотнинг назарий-методологик асосини тарихшунослик фанининг асосий принциплари бўлган тарихийлик, илмийлик ва объективлик ташкил этади. Тарихийлик принципи 1920 йиллар охири ва 1930 йиллар бошида Фарғона водийси қишлоқларидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлардаги ўзгаришлар динамикасини хронологик изчилликда ўрганишда намоён бўлади. Илмийлик ва объективлик тамойиллари эса тадқиқотда келтирилган маълумотларнинг аниқ фактик ҳужжатларга ва далилларга таяниб ёритилиши билан изоҳланади.

Диссертацияда Мустақил Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлол мафкурасининг устувор мақсад ва вазифалари ғоявий асос қилиб олинди. Совет тузуми давридаги тарихий воқеа, ходисаларни ўрганишнинг хато методологик асосидан воз кечиб, унинг асосий принциплари бўлган партиявийлик, синфийлик кабилардан йироқлашиб, уларни инкор этишга ҳаракат қилинди. Айни пайтда тадқиқот ишида ўрганилган масалани тўғри ҳал этишда илмий билишнинг ҳолислик, тарихийлик, тизимлилик ва ривожланиш каби тамойилларига амал қилинди.

¹ Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Т.6 “Шарқ”, 2003. 544 б.

² Абдуллаев М.Г. Ўзбекистонда советларнинг “қулоқ” қилиш сиёсати ва унинг фожиаи оқибатлари (1929-1945 йиллар). – Тарих фан. ном. дисс. – Тошкент: 2002.

³ Расулов Б.М. Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонлар ва сургун қилинган деҳқонлар аҳволи (1929-1956 йиллар). – Т.: “Шарқ”, 2012.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарларида, маъруза ва нутқларида, давлат ва ҳукумат фармон-қарорларида илгари сурилган методологик, илмий-назарий, маънавий-мафкуравий характердаги фикр-ғоялар, дастурий-концептуал кўрсатмалар тадқиқот ишида назарий методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертациянинг илмий янгилиги шу билан белгиланадики, мазкур тадқиқот мавзусининг биринчи умумлаштирилган илмий изланишдан иборатлигидир. Тадқиқотда миллий истиқлол мафкураси ва ҳозирги замон назарий-услубий талаблари нуқтаи назаридан Фарғона водийсида 1929-1932 йилларда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш жараёнлари ва унинг оқибатлари янги маълумотлар асосида тадқиқ қилинади.

Ушбу магистрлик диссертацияси аввало ўрганилган масалага янгича ёндошилганлиги билан фарқланади ҳамда масаланинг умумий ва хусусий томонларини алоҳида бир мавзу сифатида тадқиқ этилиши билан характерланади. Мазкур диссертацияни тайёрлаш натижасида эришилган асосий янгиликлар қуйидагилардан иборат:

- ўрганилган мавзу мустақил Ўзбекистон Республикасида маънавий қадриятларни тиклаш борасида қўйилаётган талабларга мос равишда ва унинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этилди;

- совет ҳукуматининг коллективлаштириш арафасида Фарғона водийсида амалга оширган аграр ислохотлари ва уларнинг хусусиятлари ёритиб ўтилди.

- коллективлаштириш жараёнидаги ғайриқонунийликлар ва коллективлаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, Фарғона водийси қишлоқ хўжалигидаги умумий аҳвол таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти. Магистрлик диссертациясида эришилган илмий изланишлар натижалари амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Диссертацияни тайёрлаш натижасида жамланган маълумотлар, хулосалар ва назарий умумлаштиришлар Ўзбекистонда, жумладан Фарғона водийсида ўтказилган аграр ислохотлар тарихини атрофлича ўрганишга имкон беради. Айрим назарий хулосалар мазкур масалани тадқиқ этишда янги босқич бўлиб хизмат қилиши мумкин.

2. Диссертациянинг хулосалари, баён этилган амалий тавсиялар иқтисодиётнинг аграр секторида ишбилармон, тадбиркор деҳқонлари қатлами фаолиятини такомиллаштиришда фойдаси тегиши мумкин.

3. Диссертацияда жамланган маълумотлардан, назарий хулосалардан таълимнинг турли босқичларида, ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш мумкин.

4. Ўзбекистоннинг янги тарихини яратишда, Ватан тарихидан дарслик, ўқув қўлланмалар тайёрлашда диссертациянинг назарий хулосаларидан фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг манба базаси жуда хилма-хил бўлиб, улар архив ҳужжатларидан, эълон қилинган архив ҳужжат ва материаллари тўпламлари, статистик маълумотномалардан иборат.

Диссертацияда фойдаланилган архив ҳужжатларининг асосий қисмини Андижон вилоят давлат архиви (АВДА), Фарғона вилоят давлат архиви (ФВДА) фондларидан олинган материаллар ташкил этади. Андижон вилоят давлат архивидан Андижон округ ижроия комитети (189-фонд) ва Округ ер бўлими фонди ҳужжатларидан, Фарғона вилоят давлат архивининг 127 ва 263-фондларидан фойдаланилди. Бу фондлардан асосан округларда коллективлаштиришнинг ўтказилиши, колхоз ва совхозлар моддий-техник базасининг мустаҳкамланиши, колхозларда пахтачиликнинг жорий этилиши ва пахта ҳосилдорлигига оид статистик маълумотлардан кенг фойдаланилди. Шунингдек, архив фондларидан Фарғона водийси районларида ташкил қилинган МТСлар фаолиятига доир муҳим ҳужжатлар ҳам олинди диссертацияни тайёрлашда фойдаланилди.

Фойдаланилган архив ҳужжатлари орасида партия-совет органларининг Фарғона водийси қишлоқларида ташкил этилган колхозларда меҳнат самарадорлигини ошириш,

пахтачиликни ривожлантириш ва колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустақамлашга доир қабул қилган қарорлари муҳим аҳамият касб этади. Фойдаланилган архив материаллари орасида маҳаллий партия-совет органлари ва колхоз ва совхозлар бошқаруви масъулларининг ҳисоботлари ҳам салмоқли ўрин тутати.

Магистрлик диссертациясининг манба базасига кирувчи адабиётларнинг салмоқли қисмини советлар ҳукмронлиги даврида нашр қилинган, коммунистик мафкура ғояси ва руҳидаги асарлар ташкил этади. Бу асарлар танқидий жиҳатдан ўрганилди, статистик маълумотларни таққослаш, умумлаштириш нуқтаи назаридан фойдаланилди. Бу асарлар компартия мафкураси ва қолипида яратилганига қарамай бир қанча маълумотларни, советларнинг аграр сиёсатига боғлиқ бўлган кўпгина ҳужжатларни ўзида мужассамлаштирган.

1-боб. ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚИШЛОҚЛАРИ ЁППАСИГА КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ АРАФАСИДА

1.1. 1920-йиллар охирида Фарғона водийси қишлоқларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати

Ўзбекистоннинг 1925 йилдан кейинги босиб ўтган йўли собиқ иттифок ҳамда республика компартияси фаолияти билан боғлиқ. Совет иттифоқи коммунистик партиясининг филиали ва ижрочиси бўлган Ўзбекистон ССР партия ташкилоти 1920-1930 йилларда большевиклар дохийси Ленин ишлаб чиққан ва асослаб берган, аммо амалга ошмайдиган социализм қуриш режасини ҳаётга татбиқ этиш йўлидан борди.

1917 йилги октябрь тўнтариши ҳаётда шундай жараёни юзага келтирдик, бу ўзбек деҳқонининг ҳам ижтимоий кўринишини тамоман ўзгартириб юборди. Октябрь тўнтариши Ўрта Осиёда асарлар оша шаклланиб келган аграр соҳадаги мулкий муносабатларнинг барҳам топишига, ер ва сув ресурсларини қайта тақсимланишига замин тайёрлади. Большевиклар раҳбарияти ҳукмронлик манфаатларидан келиб чиқиб, октябрь тўнтаришидан кейинги дастлабки кунлардан бошлаб ватан қишлоқ хўжалигига нисбатан қўлланган чор Россияси ҳукмронлиги давридаги истеъмолчилик муносабатини сақлаб қолиш учун саъй-ҳаракатини аямади ва маҳаллий деҳқонлар кучидан шафқатсиз фойдаланишга кенг имкониятлар яратиб берган «социалистик аграр ишлаб чиқариш»нинг марксча андозасини зўравонлик билан жорий қилиш чораларини кўрди.

Миллий-худудий чегараланишдан кейин Ўзбекистонда аграр ўзгаришларнинг янги босқичи бошланди. 1924-1925 йилларда қишлоқ хўжалигида ўлканинг меҳнат қилишга лаёқати бўлган аҳолисининг 85 фоизи банд эди. Аграр сектор маҳсулотларининг салмоғи бутун ялпи маҳсулотни қарийб 80 фоизини ташкил этарди. Саноатнинг 90 фоизи қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш билан шуғулланарди. Бундай шароитда аграр ислохотлар ўтказилиши чуқур ижтимоий аҳамиятга эга эди.

1921-1922 йилларда ўтказилган ер-сув ислохоти ерсиз ва кам ерли деҳқонлар масаласини ва тақсимотини тўла ҳал қилмади. Бу ислохот асосан ўлкадаги рус деҳқонлари билан маҳаллий деҳқонлар ихтиёридаги ерларни бараварлаштириш масаласига қаратилган эди. Қисқача айтганда, 1921-1922 йиллардаги аграр ислохот чор Россияси мустамлакачилик тартиблари асосларини тугатди. Бироқ, ўлкада кўп ерлилик ва кам ерлилик сақланиб қолаверди.

Қишлоқ иқтисодиётини юксалтиришнинг устувор омилларидан бири ўша даврда кенг микёсли аграр ислохотни авж олдиришдан иборат эди. Уни амалга оширишнинг зарурлигини вужудга келган муаммоларининг кескинлиги тақозо қиларди. Чунки, ўлкада хануз ерсизлик сақланиб қолган эди. 1925 йилга келиб Ҳар 100 та хўжаликдан 13 таси

экин экиладиган ерга эга эмасди. Ерсиз ва 2 десятинагача ерга эга бўлган хўжаликлар 71,8 фоизни ташкил этарди¹. Бу даврда ўзбек қишлоғида камбағал деҳқонлар аҳолининг аксарият қисмини ташкил этарди. 1925 йилда ўртаҳол деҳқонлар кам ерли деҳқонларга нисбатан 2-3 барабар кам эди. 1926 йилда Зарафшон ва Фарғона областларида 52 фоиз хўжалик бир десятинадан ҳам оз ерга эга бўлган. Зарафшон области бўйича 2 десятинадан оз ерга эга бўлган хўжаликлар 54 фоизни, Тошкент ва Самарқанд областлари бўйича эса 42 фоиз хўжаликни ташкил қилган².

Хўжаликларнинг ижтимоий таркиби таҳлили кўрсатардики, иккинчи ер ислоҳоти арафасида Ўзбекистонда унумдор ерларнинг 30 фоиздан кўпроқ қисми «бой-қулоқлар» тасарруфида эди. Чунончи, Фарғона областида қулоқ ва майда помешчик хўжаликлари 39 фоиз ерга эгалик қилар эди. Самарқанд областида эса барча ерларнинг 32,7 фоизи қулоқ ва майда помешчиклар қўлида эди. Бошқа вилоятларда ҳам аҳвол шу кўринишда эди.

Ўзбекистоннинг барча туманларида ер, от-улов ва асбоб-ускуналарни асосан камбағал деҳқонлар ва кам қувватли ўртаҳол деҳқонларнинг аксарият қисми ижарага оларди. 1925 йилдаги статистик таҳлилларга кўра, бу йилда республикадаги деҳқон хўжаликларининг 29,2 фоизда иш хайвонлари йўқ бўлган. Бу ҳолат вилоятлар бўйича қуйидагича эди: Фарғона вилоятида 45,6 фоиз, Самарқанд вилоятида 27,5 фоиз, Тошкент вилоятида 26,4 фоиз, Хоразм вилоятида 13,8 фоиз, Қашқадарё вилоятида 7,7 фоиз, Зарафшон вилоятида 7,2 фоиз хўжаликларда иш хайвонлари бўлмаган³. Кўриниб турганидек, иш хайвони бўлмаган хўжаликлар асосан пахта етиштириладиган вилоятларда кўпчиликни ташкил қилган. Бунинг сабабларидан бири, пахтачилик вилоятларида ерга асосан пахта экилганлиги учун, деҳқон хўжаликларида иш хайвонларини ем-хашак билан таъминлашдаги қийинчиликлар билан изоҳланади.

1925 йилда иш хайвонларининг асосий қисми маълум табақа кишилар қўлида, яъни катта ер эгалари қўлида тўпланган эди. Бу йилларда 10 десятинадан ортиқ ерга эга бўлган хўжаликларнинг 50 фоизидан кўпроғида 4-5 тадан иш хайвонлари бўлган.

Қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш арафасида ўзбек қишлоқлари ўзига хос мураккаб ижтимоий хусусият касб этар эди. Қишлоқ хўжалигида турли социал қатламлар мавжуд бўлиб, улар аграр ишлаб чиқаришда турли салмоққа эга бўлган. Ўзбекистонда 1925-1929 йилларда ўтказилган аграр ислоҳот ўз мазмуни ва пировард оқибатларига кўра зиддиятли тусда эди. Ислоҳот натижасида, бир томондан, ерсиз камбағал деҳқонларнинг бир қисми ерга эга бўлиб, ўзбек қишлоқларидаги ижтимоий аҳволни бир оз яхшилаган бўлса, иккинчи томондан аграр ўзгартиришлар асрлар мобайнида шаклланган ижтимоий-психологик тартиб ва миллий қадриятлар бузилишини бошлаб берди. Натижада ислоҳот Ўзбек қишлоқларининг бутун ижтимоий-иқтисодий тузилишига ҳам ижобий, ҳам салбий ўзгаришлар киритди. Бу ўзгаришлар Фарғона водийси учун ҳам даҳлдор эди.

Фарғона водийсидаги ер-сув ислоҳоти натижасида қишлоқдаги ижтимоий қатламлар таркибида қуйидагича ўзгаришлар юз берди: ислоҳотга қадар водий бўйича 9555 та ерсиз деҳқон хўжаликлари бўлган бўлса, ислоҳотдан кейин ерсиз деҳқонлар деярли қолмади. 0,5 десятинагача ери бўлган хўжаликлар ислоҳотгача 13193 та бўлган бўлса, ислоҳотдан кейин бундай хўжаликлар 975 тани, 0,5 десятинадан 1 десятинагача ери бўлган хўжаликлар ислоҳотгача 5145 та бўлган бўлса, ислоҳотдан кейин 3622 тани, 1 десятинадан 1,5 десятинагача ери бўлган хўжаликлар ислоҳотгача 2081 та бўлган бўлса, ислоҳотдан кейин 5108 тани, 1,5 десятинадан 2 десятинагача ери бўлган хўжаликлар ислоҳотгача 997 та бўлган бўлса, ислоҳотдан кейин 6646 тани, 2 десятинадан 3

¹ Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг. Т., «Фан», 1992. – С. 84.

² История народного хозяйства Узбекистана. Том 1. – Ташкент: 1962. – С. 221.

³ Кунакова Л.З. Земельно-водная реформа в Узбекистане (1925-1929 гг.) – Фрунзе: Мектеп, 1967. – С. 59-60.

десятинагача ери бўлган хўжаликлар ислохотгача 699 та бўлган бўлса ислохотдан кейин 9481 тани ташкил этди¹.

Юқоридаги маълумотдан кўриниб турганидек, ислохот ерсизликка барҳам берди, кам ерли деҳқон хўжаликлари сезиларли равишда қисқарди. Ислохот натижаларида Фарғона водийси бўйича деҳқон хўжаликлари тақсимланган ўртача ер нормаси 2,2 десятинали ташкил қилди.

Ерсиз ва кам ерли деҳқонларга тақсимлаш фондига бадавлат деҳқонлардан мусодара қилинган ёки мажбуран сотиб олинган 2334 та иш ҳайвони тўпланди. Иш ҳайвони бўлмаган хўжаликлар ва 1,5 десятинадан кам бўлмаган ерга эга деҳқон хўжаликлари биринчи навбатда иш ҳайвони билан таъминланди. 9 танобдан кўп ерга бўлган хўжаликлар учун бир хўжаликка битта от ёки хўкиз берилди, 6-9 танобгача ери бор хўжаликларга икки хўжалик учун битта от ёки хўкиз берилди². Кўриниб турганидек, бадавлат хўжаликлардан мусодара қилинган иш ҳайвонлари бундай ҳайвони бўлмаган барча хўжаликларни таъминлаш учун етмаган. Шу боисдан ҳам иш ҳайвони бўлмаган, 6 танобдан 12 танобгача ери бўлган айрим хўжаликларга иш ҳайвонига эга бўлиши учун 85 сўмдан пул берилди. Иш ҳайвонига эга бўлган хўжаликларга давлат томонидан ем-хашак учун маълум миқдорда маблағлар тарқатилди. Ери 1,5 десятинадан кам бўлган хўжаликларга иш ҳайвони берилмади, бундай хўжаликларга ерларини шудгор қилишлари учун 13 сўмдан пул берилди.

Ерсиз деҳқонларга ер, иш ҳайвони билан бирга муҳтож хўжаликларга қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари ҳам берилди. Жумладан, муҳтож хўжаликларга 422 та ўроқ, 526 та омон, 833 та кетмон ва 306 та арава тарқатилди. Давлат томонидан кўпгина хўжаликларга қишлоқ хўжалик асбобларини сотиб олишлари учун 261875 сўмлик кредит тарқатилди³.

Фарғона водийси бўйича ер тақсимланган 9416 деҳқон хўжаликлари уруғлик сотиб олишлари учун 181225 сўмлик кредит берилди. Унинг 104231 сўми натура кўринишида, 76234 сўми пул ҳисобида берилди. Янги ўзлаштирилган ерларни шудгор қилиш учун давлат 412 та трактор ажратди, уларнинг 312 таси Фарғона водийсига берилди. 1926 йилда Фарғона водийсида тракторлар ёрдамида 15800 десятина ер ҳайдалди. Янги ўзлаштирилган ҳудудларда аҳолининг эҳтиёжлари учун турар жойлар, мактаб, касалхона ва бошқа зарур муассасалар барпо этиш учун давлат катта миқдорда маблағлар сарфлади. Умуман, Фарғона водийсида ер-сув ислохотини ўтказиш, янги ерларни ўзлаштириш, деҳқон хўжаликлари турли эҳтиёжлари учун кредитлар бериш мақсадлари йўлида давлат жами 6 миллион 132 минг 490 сўм маблағ сарфлади⁴.

Аграр ислохот натижасида кўпгина камбағал хўжаликлар ер олгач, фаол товар ишлаб чиқарувчиларга айландилар, хўжалик юриштиринг натура шаклларидан бозор шаклларига ўта бошладилар. Ўртаҳол деҳқонларнинг хўжалик самарадорлиги кўтарилди. Буларнинг барчаси республика қишлоқ хўжалиги товар даражасининг ўсишига, унинг ишлаб чиқарувчи кучлари қисман бўлсада ривожланишига ёрдам берди.

Шу билан бирга аграр ўзгаришлар стратегиясига синфий-мафкуравий ёндашув сиёсати ер ислохотидаги мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланишга йўл қўймади. Хусусан, у сақланиб қолган «феодал-патриархал» муносабатларга зарба берган бўлсада, ерсиз ва кам ерли деҳқонларни ер билан тўлиқ таъминлай олмади. Ислохот жараёнида шаклланган кам қувватли хўжаликлар тартиб олинган 474893 десятина ер фондидан бор-йўғи 10 фоизини олдилар, ҳолос⁵. Камбағаллар қатлами ислохотдан кейин ҳам

¹ Кунакова Л.З. Земельно-водная реформа в Ферганской долине (1925-1926 гг.) – Ош: 1962. – С. 152.

² Кунакова Л.З. Земельно-водная реформа в Узбекистане (1925-1929 гг.) – Фрунзе: Мектеп, 1967. – С. 187.

³ Давидов А.М. Аграрные преобразования и формирования социалистического землепользования в Узбекской ССР. – Т.: Наука, 1965. – С. 154-155.

⁴ Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1917-1926 гг.) Сборник документов. – Т.: 1968. – С. 259-260.

⁵ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет муштамлақчилиги даврида. /Тузувчилар: М.Жўраев, Р.Нуруллин, С.Камалов ва бошқалар. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 334.

кўпчиликини, умумий деҳқон хўжаликларининг 37,6 фоизини ташкил этарди. Мусодара қилинган ерларнинг асосий қисми эса колхоз ва совхозларга берилди. Ислохот давомида Ўзбекистонда 522 та колхоз ташкил қилинган эди.

Ер-сув ислохоти, яъни ернинг миллийлаштирилиши (национализация) келгусидаги қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришларга моддий асос бўлиб хизмат қилди. Ислохот тамомлангандан кейин қишлоқ аҳолисининг бадавлат қатлами улуши кескин қисқариб, 1,4 фоизга тушиб қолди. Булар асосан 5-10 десятина ерга эга бўлган ва шу билан бирга ишчи кучи, от-улов ва қишлоқ хўжалик асбоблари билан етарли даражада таъминланмаган деҳқонлар эди.

“Кулоқ” хўжаликларининг тугатилиши ва чекланиши қишлоқни қашшоқлаштириб қўйди. Фермерлик, умуман тадбиркорлик фаолиятлари бўғиб қўйилди, қишлоқдаги иқтисодий ривожланиш асоси бўлган товар-бозор муносабатлари тўхтатиб қўйилди¹.

Ислохот жараёнида ерни ижарага олишнинг мавжуд иқтисодий имкониятлари сезиларли равишда секинлашди. Ерни ижарага бериш ва олиш анъанасини сиёсий жиҳатдан таъқиб этиш шунга олиб келдики, у амалда барҳам топа бошлади. Масалан, ислохотга қадар 42,5 фоиз хўжалик ерни ижарага олган бўлса, ислохотдан кейин бор-йўғи 5,7 фоиз хўжалик ерни ижарага оладиган бўлди. Аммо иш ҳайвонлари ва иш қуролларини ижарага олиш кўрсаткичлари кескин ошди. Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятларида ислохотга қадар 7,1 фоиз хўжалик иш ҳайвонини ижарага олган бўлса, ислохотдан кейин бу миқдор 15,1 фоизга кўтарилди². Бунинг сабаби шуки, ислохот мобайнида деҳқонларга ер тақсимлаб берилгани ҳолда, улар етарли даражада иш ҳайвонлари ва меҳнат қуроллари билан таъминланмадилар. Бунинг устига ислохот даврида кўплаб деҳқон хўжаликлари ўз иш ҳайвонларини ҳукумат сиёсатидан норози бўлиб сўйиб юборган эди.

Ислохот ўзбек қишлоғи аҳолисининг диний кайфиятига салбий таъсир кўрсатди. Вақф ерларининг мусодара қилиниши, улар масжид, мадраса ва мактабларни иқтисодий жиҳатдан таъминловчи восита эканлигини ҳисобга олмаслик мусулмонлар диний ҳис-туйғуларини таҳқирлашга олиб келди. Бунинг устига диний муассасаларнинг иқтисодий негизига путур етказилиши, рухонийларнинг жамият ҳаётидаги ролини пасайтириб юборди. Диний масаладаги сўл оғмачилик нафақат диний арбоблар, шунингдек, диндор деҳқонларнинг ҳам ижтимоий норозилигини кучайтирди.

Совет ва комфирка раҳбарлари туб ерли халқнинг минг йиллар мобайнида шаклланиб қарор топган миллий урф-одатлари ва қадриятлари билан ҳисоблашмади ва назар-писанд қилмади. Маъмурларнинг ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлари қишлоқ аҳолисининг жуда кенг қатламлари орасида, ҳатто деҳқонларнинг энг камбағал қисмлари орасида ҳам қораланди. Советларнинг ер-сув ислохотини маҳаллий халқ томонидан қабул қилмаслик ҳоллари кўп жойларда қайд қилинган. Жумладан, Мустафо Чўқай бундай ёзади: Октябрнинг ўн йиллик байрами нишонланиши арафасида Ўрта Осиё бюросининг «За партию» нашри 1927 йил сентябрь сонидида камбағал туркистонликларнинг ўзларига бўлиб берилган томорқаларни аввалги эгаларига ўз хохишлари билан қайтариб беришгани ҳақидаги бир қанча ходисаларни келтирган. Ҳатто, ерларни зўрлик билан маҳаллий ҳокимият тазйиқида бўлиб бериш ҳоллари ҳам юз берган. Баъзида эса ер олган деҳқонлар ернинг аввалги хўжайини олдиға бориб, “ерингизни бўлиб беришгани учун мен айбдор эмасман” деб узр ҳам сўрашган³.

Андижон округи Андижон райони қишлоқ хўжалик техник назоратчиси Н.Музиченко 1928 йил 24 майда округ молия бўлимига берган маълумотномасида райондаги Шўро, Найман, Окёр, Бўтақора қишлоқ Советларида баъзи деҳқонлар ўзларига бўлиб берилган ерларга экин эрмаётганликларини, ерлар ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигини ёзган. Деҳқонларга биров томонидан ҳеч қандай тазйиқ ўтказилмагани

¹ Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. – Т.: Фан, 1992. – С. 103-104.

² Советское крестьянство. – М.: Наука, 1973. – С. 199.

³ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи. Иккинчи китоб. Андижон: Мерос, 1998. – Б. 346-347.

ҳолда, ердан фойдаланилмаётганлик сабабини тушуна олмагани техник назоратчининг маълумотномасида қайд этилган¹.

Ер-сув ислохотидан кейин ёлланма меҳнатдан фойдаланиш ҳам ўсиб борди. Совет ҳукумати 1925 йил апрелида “Дехқон хўжаликларида ёрдамчи ёлланма меҳнатдан фойдаланишнинг вақтинчалик қоидалари”ни қабул қилган бўлиб, бу қонун маълум даражада ёлланма меҳнатдан фойдаланишнинг ўсишига таъсир кўрсатди.

Республикада 1929 йилга қадар, яъни ёппасига коллективлаштиришга қадар қишлоқ хўжалигида батраклар сони ҳам ортиб борди. Марказий статистика бошқармаси маълумотларига кўра, 1928 йилда республика аграр секторида 340 минг батрак меҳнат қилган. Ерсиз, иш қуролисиз чорикорлар ва мардикорларнинг 20 фоизида ҳеч қандай мулк йўқ эди, улар меҳнати эвазига топган маблағига кун кечирган.

1927 йилда қишлоқ хўжалик кооперацияларига бирлашган дехқон хўжаликлари салмоғи республика бўйича 55 фоизни ташкил қилди, 1929 йилда эса унинг миқдори 81 фоизгача кўтарилди. Ислохот йирик ер эгалигини тугатиб, майда товар ишлаб чиқарувчи хўжаликларни шакллантирди. Республикада пахта кооперациялари шиддат билан ривожланиб борди. 1927 йилда Ўзбекистонда 386 та пахта кооперациялари бор эди. Бироқ тузилган кооперациялар ҳам, колхозлар ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш муаммосини тўла ҳал қила олмади. Лекин бу даврда ташкил этилган колхозлар ёппасига коллективлаштириш давридаги колхозлардан кескин фарқ қилар эди. Бу хўжаликлар бошқа турдаги хўжаликлар билан ёнма-ён эркин рақобат шароитида ташкил қилинган эди. Дехқонларнинг якка хўжаликдан коллектив хўжаликка кириши ихтиёрий асосларга бўйсунар эди.

1920-йилларнинг иккинчи ярмида компартия “Ҳарбий коммунизм” давридаги коммуналардан воз кечиб, кооперациялар йўлидан борди. 1928 йилда республикада фақат 2 та коммуна бор эди, холос. Шу йили республикада колхозлар ва совхозлардан ташқари 565 та қишлоқ хўжалик артели ҳамда 166 та ерга ишлов бериш ҳамкорлиги (ТОЗ) фаолият кўрсатди. Улар ҳам асосан камқувват, майда хўжаликлардан ташкил топган бўлиб, битта артелда ўртача 12 та хўжалик бирлашган эди. Колхозларга асосан батраклар ва кам ерли дехқонлар аъзо бўлардилар.

Коммунистик партиянинг ер-сув ислохотини ўтказишдан мақсади камбағал дехқон хўжаликларини ер билан таъминлаб, унинг иқтисодий аҳволини яхшилаш эмас эди. Унинг асосий мақсади, аввало қишлоқда “социалистик ижтимоий тузум”нинг моддий асоси бўлган жамоа бўлиб хўжалик юритиш шакллари ривожлантиришдан иборат эди. У дехқонларнинг ерга, меҳнат асбобларига, иш ҳайвонларига, кредитга бўлган эҳтиёжини қондириш ўрнига жамоа хўжаликлари ташкил этиш суръатларини жадаллаштиришга, аграр тармоқдаги “социалистик сектор”ни мустаҳкамлашга эътибор қаратди. Бу билан аграр ислохот ер-сувни национализация қилишни асосан тугаллаб, қишлоқ хўжалигини давлат монополиясига олиш учун моддий шарт-шароитлар яратди.

Ҳокимият органлари аграр ислохотларнинг дастлабки босқичида бўлганидек, қишлоқни ижтимоий қайта қуришнинг тарихий жиҳатдан синалган иқтисодий воситаларини, «капиталистик мамлакатлар»да дехқонлар масаласини ҳал қилишнинг муҳим тажрибасини оstonаданоқ инкор этдилар. Коммунистик метрополиянинг большевик раҳбарлари марксизмнинг ҳаёлий ақидаларига таянган ҳолда ижтимоий-иқтисодий муносабатларни қайта қуришнинг асосий қуроли сифатида зўравонликни танладилар. Чунки янги иқтисодий сиёсат «ҳарбий коммунизм» даври учун хос бўлган усулларни бирмунча юмшатган бўлсада, умумий стратегик йўл ўзгармасдан қолган эди.

1.2. Қишлоқдаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларда совет ва партия органлари назоратининг кучайтирилиши

¹ Андижон вилоят давлат архиви, 125-фонд, 1-рўйхат, 97-иш. 132-133-варақлар.

Ўзбекистон ССРнинг ташкил этилиши республикадаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг кучайишига олиб келдики, уларга бир қанча омиллар таъсир кўрсатди. Бу омилларнинг энг муҳимларидан бири Ўзбекистон фақат номигагина СССР таркибидаги суверен республика ҳисобланганлиги, СССР эса ўз моҳияти билан унитар (қўшма) давлат эканлиги эди. Ўзбекистон иттифоқ партия-совет органларига тўла қарам бўлиб, унинг раҳбарияти ва директиваларини, шу жумладан, республиканинг ички ижтимоий-сиёсий ҳаётига тааллуқли кўрсатмаларни оғишмай бажаришга мажбур эди.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ривожланиши СССРда бошқарувнинг маъмурий-бўйруқбозлик тизими ўзининг барча салбий кўринишлари билан қарор топиши ва мустақамланиши шароитида содир бўлди. Аини вақтда республиканинг бутун ижтимоий-сиёсий ҳаётига салбий таъсир кўрсатган шундай жиддий омил мавжуд эдики, у ҳам бўлса, совет мустабид давлати сиёсий тизимида синфий мафкурага эга бўлган коммунистик партиянинг мутлақ ҳукмронлиги эди. Компартия ўзи амалга оширган октябрь тўнтариши туфайли ҳокимиятни қўлга олди ва “алоҳида олинган бир мамлакатда социализм куриш”ни ўзининг асосий мақсади қилиб қўйди. Лекин Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни маъмурий-бўйруқбозлик усуллари билан сунъий равишда тезлаштириб, республикадаги ҳақиқий аҳволни эса назар-писанд қилмади¹.

Кўрсатиб ўтилган омиллар сабабли Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар анча зиддиятли хусусият касб этди. Ҳукмрон компартия жамият аъзоларини сунъий равишда “меҳнаткашлар” ва “меҳнаткаш бўлмаганлар”га ажратиб, улар ўртасида зиддиятни кучайтирди. Бир томондан коммунистик режим кўр-кўрона “меҳнаткашлар оммаси”нинг сиёсий фаоллигини кўзгашга, уларни совет-партия тузилмаларига ва жамоат ташкилотларига кенг жалб қилишга интилса, иккинчи томондан, аҳолининг “меҳнаткаш бўлмаган” (мулкдорлар, диндорлар ва ҳоказо) қатламларини ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этишини советча қонун асосида чеклаб қўйди.

Ўзбекистон “социалистик” республикаси эълон қилинган вақтга келиб, қишлоқ хўжалиги унинг халқ хўжалигида асосий тармоқ ҳисобланарди. 1924-25 йилларда қишлоқ хўжалигида ўлка аҳолисининг 85 фоизи банд эди. Аграр соҳа маҳсулотининг салмоғи бутун ялпи маҳсулотнинг 80 фоизга яқинини ташкил этарди. Саноатнинг 90 фоизи қишлоқ хўжалик хомашёсига бирламчи ишлов бериш билан шуғулланарди².

Ўша даврни таҳлил қилганда шуни таъкидлаш муҳимки, иттифоқ ҳукумати аввал бошданок ёш Ўзбекистон республикаси раҳбарияти олдида “Совет Ўзбекистони”ни СССРнинг асосий пахта базасига айлантириш стратегик вазифасини қўйди. ВКП(б) МҚ империяча манфаатларни яққол ифодалаб, 20-йилларнинг иккинчи ярмида бир неча кенгайтирилган қарорлар қабул қилди, уларда тўқимачилик саноати хомашё базасини яратиш ва иттифоқнинг пахта соҳасида хорижга қарамлигини тугатишда пахтачилик ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди³. Натижада 1928 йилда ялпи териб олинган пахта хомашёси 543,7 минг тоннани ташкил этди. Умуман, 1924-1929 йилларда республика деҳқонлари 1961,1 минг тонна пахта териб топширдилар ёки бу ўрта ҳисобда йилига 392,2 минг тоннани ташкил этди⁴.

“Оқ олтин”нинг аксарият қисми, яъни 90 фоиздан кўпроғи “советлар мамлакати”нинг тўқимачилик марказларига юборилди. 1929 йил 18 июлда ВКП(б) МҚ қабул қилган “Бош пахтачилик қўмитасининг иши тўғрисида”ги қарорида⁵ очикдан-очик бундай дейилган эди: “МҚ пахта етиштириш учун яроқли бўлган ерлардан шоли,

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. /Тузувчилар: М.Жўраев, Р.Нуруллин, С.Камалов ва бошқалар. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 312.

² Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари (1865-1990 йиллар). – Т.: “Шарқ”, 2000. – Б. 154-155.

³ Решения партии и правительства по хозяйственным вопросам. – М.: 1967. – С. 85-97.

⁴ Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. – С. 103.

⁵ Деятельность компартии и советского правительства по развитию хлопководства в Узбекистане (1925-1937 гг.). Документы и материалы. – Т.: 1990. – С. 115-118.

оқжўхори, қанд лавлаги ва бошқа экинлар етиштириш учун фойдаланишга мутлақо йўл қўйиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди”. Тўғри, хали янги иқтисодий сиёсат узил-кесил барҳам топмаган шароитда иттифок раҳбарияти ҳақиқий аҳвол билан ҳисоблашишга мажбур эди. Шунинг учун ҳам қарорда “пахтадан бошқа экинларни сиқиб чиқариш”нинг иқтисодий усулларида фойдаланиш, бунинг учун пахтакорларга солиқ имтиёзлари бериш, биринчи галда “чигит экилган майдонларни сув билан таъминлаш, пахтакорларга бутун йил мобайнида ғалла, саноат маҳсулотлари ва чорва моллари учун ем-хашак етказиб бериш” тавсия этилади.

Пахтачиликка сезиларли эътибор бериш 20-йиллар охири – 30-йиллар бошларида анча кучайтирилди, бу вақтда янги иқтисодий сиёсат йўлини тўхтатиб, оммавий равишда коллективлаштиришга ўтиш сиёсати авж олдирилди, у Марказнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини қаттиқ ва қулай назорат қилишни таъминлаши лозим эди¹.

Ўзбекистон ССР ташкил қилинганидан кейин республика давлат бошқаруви органлари иттифок органлари тартибида ва улар андозасида тузилди. Бу иттифокдош республикаларни Марказдан туриб бошқаришнинг энг осон ва оддий, шу билан бирга такомиллашган мустаҳкам шакли эди. Шунингдек, маҳаллий ҳокимият органлари ва уларнинг аппарати вужудга келтирилди, янги маъмурий-ҳудудий бўлиниш амалга оширилди. Олдинга республиканинг вилоят бўлинишига қайтилди, туманлар ва қишлоқ кенгашларининг кенг тармоғи тузилди. Маъмурий-ҳудудий ислохотлар советларни мустаҳкамлаш ва уларни аҳолига яқинлаштириш баҳонасида ўтказилар эди. Аслида эса улар коммунистик режим томонидан партия-давлат аппаратининг чексиз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилар эди.

1927 йил март ойида Ўзбекистон Советларининг 2-қурултойи республика Конституциясини қабул қилди. Бу конституция қатъиян синфий тусда бўлиб, большевикча экстремизм мафкураси билан суғорилган эди. Конституцияга мувофиқ “меҳнаткаш бўлмаган” қатламлардан чиққан кўпгина ижтимоий табақалар, диндорлар ва бошқалар сайлов ҳуқуқларидан маҳрум этилганди. Бу билан аҳолининг анчагина қисми коммунистик режим томонидан давлат қурилишида ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этишдан четлаштирилди.

Мустабид тузумнинг ғоявий раҳнамоси бўлган коммунистик партия меҳнаткаш халқни бутун имконияти билан турли хил сиёсий ва ижтимоий-оммавий ташкилотлар билан қамраб олиб, уларга мунтазам равишда ғоявий таъсир ўтказишга, уларни бир қолипда ушлаб туришга ҳаракат қилди. 20-йилларда Ўзбекистон деҳқонларини ғоявий жиҳатдан бирлаштирган ташкилотлардан бири “Қўшчи” иттифоқи эди. 1925 йилда 157 минг кишини ўзига бирлаштирган оммавий “Қўшчи” иттифоқи ҳам Ўзбекистон деҳқонларининг оммавий ташкилотидан аста-секин қишлоқда мустабидчилик сиёсатининг тарғиботчисига айланди². У 20-йилларнинг охирида қишлоқда большевиклар тузумининг аграр, иқтисодий ва маданий сиёсатининг, унинг қишлоқда синфий табақаланишини кучайтириш юзасидан деҳқонларга қарши қаратилган йўлининг оддий ижрочиси бўлиб қолди. “Қўшчи” иттифоқи секин-аста деҳқонларнинг оммавий ташаббускор ташкилотидан ўз сафларига, биринчи навбатда қишлоқ камбағалларининг энг қашшоқ қисмини бирлаштирувчи давлат сиёсий тузилмасига, ўта синфий ташкилотга айланиб борди, коллективлаштириш ва кулоқлаштириш даврида салбий роль ўйнади.

Республикада Марказ андозасида ташкил қилинган “Худосизлар иттифоқи”, “Йўқолсин саводсизлик”, МОПР (пролетар инқилобчиларининг халқаро ташкилоти) ва бошқа ташкилотлар ҳам партия сиёсатини аҳолининг турли гуруҳлари ўртасида амалга оширишда оддий воситачиларга айландилар.

¹ Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари (1865-1990 йиллар). – Т.: “Шарқ”, 2000. – Б. 262.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет муштамлакачилиги даврида. /Тузувчилар: М.Жўраев, Р.Нуруллин, С.Камалов ва бошқалар. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 319.

Мамлакатда маъмурий-буйруқбозлик тизими қарор топиб мустаҳкамланиб бориши билан бир қаторда республиканинг бутун ижтимоий-сиёсий ҳаёти муттасил сиёсийлаштирилиб ва байналминаллаштирилиб борилди ва ҳукмрон партия томонидан “социалистик қурилиш” ва мустабид тузумни мустаҳкамлаш вазифаларига бўйсундирилди. Ижтимоий-сиёсий ҳаёт шу қадар шиддат билан ўзгариб бордики, мавжуд ҳар бир масалага, муаммога сиёсий нуқтаи назардан қаралди. Бунинг натижасида миллийлик ўрнига амалда байналминаллик устивор қилиб қўйилди, миллий кадриятлар, анъана, урф-одатлар оёқости қилинди. Асрлар бўйи мавжуд бўлиб келган диний байрамлар ва ана шундай байрамлар сифатида бир қатор халқ миллий байрамлари ҳам маъмурий-буйруқбозлик усуллари билан бекор қилинди. Улар ўрнига “пролетар” байналминал байрамлари тикиштирилди.

1920-йилларнинг иккинчи ярмидан эътиборан қишлоқдаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар устидан совет-партия раҳбариятининг қатъий назорати кучайиб борди. Бутун мамлакатда бўлганидек, Фарғона водийсида ҳам қишлоқларга нисбатан саноатни модернизация қилишда асосий маблағлар манбаси сифатида қарала бошлади. Совет давлати бу йилларда турли усул ва воситалар билан, изчиллик асосида ўзига тўқ, бадавлат деҳқон хўжаликларига нисбатан сиёсий ва иқтисодий чеклаш сиёсатини олиб борди. Бадавлат деҳқон хўжаликларини иқтисодий чеклаш асосан маъмурий-иқтисодий усулда – яъни деҳқон хўжаликларига турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш бўйича ҳаддан ташқари катта мажбуриятлар юклаш, улар зиммасига катта миқдордаги солиқлар солиш билан амалга оширилди. Ғалла ва пахта тайёрлаш кампанияларида деҳқон хўжаликларига нисбатан “ҳарбий коммунизм” йилларидаги методлар кенг жорий этилди. Қишлоқ хўжалик мажбуриятлари ва солиқлар миқдори бир неча баробар оширилди. Бундай иқтисодий чоралар фақат бадавлат деҳқон хўжаликларагина эмас, балки ўртаҳол деҳқонларга нисбатан ҳам татбиқ этилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва турли мажбуриятлар юклаш борасида маҳаллий совет-партия органларига жуда кенг ҳуқуқ ва ваколатлар берилдики, бу ҳол аксарият ҳолларда маҳаллий раҳбар ходимларнинг ўз вазифаларини суъистимол қилишларига ва халқ мулкини талон-тарож этилишига кенг йўл очиб берди¹.

Компартия ва Совет ҳукумати 1928-1929 йилларда ҳам “қулоқ”ларга нисбатан сиёсий ва иқтисодий чеклаш сиёсатини олиб борди. “Қулоқ”ларни сиёсий жиҳатдан чеклаш уларни сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилишда намоён бўлди. Бу сиёсий тадбирни амалга оширишда маҳаллий партия раҳбарлари “салла ўрнига калла” келтириш қабилида иш тутдилар. Кўп ҳолларда “қулоқ” деҳқонлар билан бир қаторда ўртаҳол ва камбағал деҳқонлар ҳам сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиндилар.

Андижон туманида яшовчи оқсоқол Тўхтаҳўжаев Мулла Йўлдош Андижон округ сайлов комиссиясига 1926 йил 4 мартда ёзган аризасида қуйидагиларни баён этади: “Мен Тўхтаҳўжаев Мулла Йўлдош 30 йиллик умумий стажга эгаман. 11 таноб ерим бор. Аммо ёшим ўтиб қолгани, бу ерда яққа ўзим ишлаш имконияти йўқлиги сабабли мен ёлланма ишчи кучидан фойдаланган эдим. Ёлланма ишчи кучидан фойдаланган эксплуататор деган айблов билан мени сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилишди. Бу масалани адолат кўзи билан қараб, ижобий ҳал қилиб беришингизни илтимос қиламан”².

Андижон округи сайлов комиссиясининг 1929 йил 1 сентябридаги маълумотномаларига кўра бу кунгача округ бўйича 21928 киши сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Улардан 4133 таси майда тадбиркорлар, 3415 таси «қулоқлар», 2543 таси савдогарлар, 5620 таси эса руҳонийлар бўлган³.

¹ Рыбаков П.А. Деревня накануне коллективизации (на примере Московской области) // Вопросы отечественной истории. Межвузовский сборник научных работ молодых ученых. Выпуск 10. – М.: 2007. – С. 55.

² АВДА, 59-фонд, 1-рўйхат, 77-иш, 42-варақ.

³ АВДА, 189-фонд, 1-рўйхат, 392-иш, 41-варақ.

Бадавлат “қулоқ” хўжаликларидан олинаётган солиқлар миқдори ҳам узлуксиз ортиб борди. Бу тадбир ҳам “қулоқ”ларнинг имкониятларини чеклашда муҳим асос бўлди. 1924-1925 хўжалик йилида “қулоқ” хўжаликлари жами қишлоқ хўжалик солиқларининг 17 фоизини тўлаган бўлсалар, 1925-1926 хўжалик йилида бу миқдор 21 фоизга кўтарилди¹.

Солиқ тизимидаги бундай ноҳақликлар туфайли жуда кўп деҳқонлар солиқ ва маъмурий суд жараёнларини кўтара олмай ўз хўжаликларини ташлаб кета бошладилар. Буни улар камбағаллар тоифасига ўтиш учун қилишар эди. Улар камбағаллар тоифасида осон бўлади деб ҳисоблардилар.

Андижон шаҳар Шарифбой гузарида истиқомат қилган Хожимуҳаммад Азимовнинг саккиз таноб ери бўлган. У ерига ишлов беришда ёлланма ишчи кучидан фойдаланганлиги, бир неча бош сигир ва қўйлари, хусусий чойхонаси борлиги учун қулоқ қилинади ҳамда 15 минг сўм миқдорида солиқ тўлаши талаб қилинади. Бундай миқдордаги солиқни тўлашга кўзи етмаган Хожимуҳаммад Азимов барча мол-мулкни сотиб юборади ва инсофсизларча қўйилган солиқдан қутулади².

1927-1928 йиллардан эътиборан бошқарувда маъмурий-буйруқбозлик усул-амалларига ўтиш тобора ошкора тус ола бошлади. 20-йилларнинг охирида янги иқтисодий сиёсатга барҳам берилиши кооперация тизимининг емирилиб кетишига олиб келди.

Ер-сув ислоҳоти ўзбек қишлоғида маълум даражада ўртаҳоллар миқдорининг кўпайишига таъсир кўрсатган эди. Шунингдек НЭП йилларида солиқларнинг камайтирилиши деҳқонларга ўзини тиклаб олиш имконини берганди. 1927-1929 йиллар давомида “бой-қулоқ хўжаликлари” деб аталган ўзига тўқ хўжаликлар республикада 3,4 фоиздан 5,4 фоизга ўсди³.

1927 йил декабрида бўлган ВКП(б) нинг XV съезди мамлакат қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш ғоясини илгари сурди. Кўпчилик коммунистларнинг фикрича фақат йирик жамоа хўжаликларгина социалистик қурилишни таъмин эта олар эди. Съездда жамоалаштириш ва деҳқонларга нисбатан ўзгача бир сиёсат олиб бориш ҳақида аниқ бир қарор қабул қилинмади. Съезд қарорида фақатгина “йирик жамоа хўжалигига ўтиш деҳқонларнинг хоҳиш ва ихтиёрига кўра амал қилинади” деб таъкидланган эди. Қулоқлар масаласида съездда қабул қилинган қарорлар асосан эксплуататорлик имкониятларини изчил ва босқичма-босқич чеклаш ва “қулоқлик”ни иқтисодий усуллар билан йўқотишга қаратилган эди. Съезд қарорида шаҳар ва қишлоқларда капиталистик унсурларни “агар улар абсолют ўсиш ҳолатида бўлса” чеклаш вазифаси қўйилди.

Хуллас, Совет ҳукумати ёппасига коллективлаштириш сиёсатига ўтилгунга қадар ўзбек қишлоғида ўзига тўқ, тадбиркор деҳқон хўжаликларини чеклаш сиёсатини олиб борди. Бу чеклаш сиёсати турли усул ва кўринишларда намоён бўлди ва ундан энг кўп ўртаҳол деҳқонлар жабр кўрдилар. Аксари ҳолларда ўртаҳол деҳқонлар “қулоқ” сифатида рўйхатга олиндилар. 1925-1929 йиллардаги ер-сув ислоҳоти даврида ҳам тугатилган хўжаликларнинг анча қисмини ўртаҳол деҳқонлар ташкил этди.

¹ Трифонов И.Я. Ликвидация эксплуататорских классов в СССР. - М., 1975. стр. 248

² АВДА, 59-фонд, 1-рўйхат, 15-иш, 28-варақ.

³ Советское крестьянство. - М., «Наука», 1973 – С. 199.

2-боб. ЁППАСИГА КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ ВА ҚУЛОҚЛАШТИРИШНИНГ ЎТКАЗИЛИШИ

2.1. Фарғона водийси районларида коллективлаштиришнинг бошланиши ва унинг хусусиятлари

Коллективлаштириш сиёсати Ленин илгари сурган социализм қуриш режасининг таркибий қисмидир. Унда деҳқонларни босқичма - босқич кооперациялаш йўли таклиф қилинган эди. 1929 йил кузидан мамлакатда қишлоқ хўжалигини маъмурий буйруқбозлик усули билан коллективлаштиришга жадал киришилди.

Қишлоқ хўжалигини социалистик асосда ўзгартириш истикболларига ёндашиш жараёнида коммунистик мафкурачилар йирик аграр жамоа корхонаси якка деҳқон хўжалигидан яхшироқ деган фикрга қатъий асосланиб иш кўрдилар. Қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш ғояси умуман олганда “ленинча кооператив режа”да ўз ифодасини топган бўлиб, унда деҳқонларни босқичма-босқич кооперациялаш йўли таклиф қилинган эди. 1929 йилнинг охирларидан эътиборан совет давлатида кооперативларнинг хилма-хил шакллари тугатиш, мавжуд кооперация тизимларини давлат ихтиёрига ўтказиш бошланди. Кооперацияларни барча йўналишлар ва соҳалар бўйича ривожлантириш сиёсати ёппасига коллективлаштириш йўлига алмаштирилди.

Қишлоқ хўжалигини оммавий коллективлаштириш ҳаракати 1929 йил охирларида бошланди. Бунга Сталиннинг 1929 йил 7 ноябрда “Правда” газетасида эълон қилинган “Буюк бурилиш йили” мақоласи ўзига хос бир туртки бўлди. Мақола эълон қилинганидан кейин бутун мамлакатда бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам коллективлаштириш сари оммавий ҳаракат авж олиб кетди.

Аслида Сталин урғу берган “Буюк бурилиш йили” иборасида иқтисодий ривожлантиришга алоқадор алоҳида бир хусусият йўқ эди. Аксинча “буюк бурилиш йили” иқтисодий ривожлантириш эмас, балки уни тамоман вайрон қилишга қаратилган сунъий тадбир эди. Унинг аянчли, айтиш мумкинки фожиали нишонлари кўпроқ қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш сиёсатида намоён бўлди. Коллективлаштиришдаги камчилик ва нуқсонлар ҳақида эса мақолада лом-мим дейилмаган эди. Бу коллективлаштиришни сунъий суръатда тезлаштиришда маҳаллий большевиклар ташкилотлари раҳбарлари учун ўзига хос “намуна” эди¹.

1929 йил ноябрь ойида ВКП(б) Марказий Комитети пленуми Сталиннинг бу фикрини партия директивасига айлантирди. Пленум коллективлаштириш суръатларини хаддан ташқари кучайтириш, унга оммавий тус беришдан иборат аниқ вазифани қўйди. 1929 йил 27 декабрда аграр-марксчилар конференциясида сўзга чиққан Сталин “ёппасига коллективлаштириш асосида қулоқларни синф сифатида тугатиш” шиорини эълон қилди².

Ўзбекистонда, жумладан Фарғона водийсида қишлоқ хўжалигини “социалистик асосда” қайта қуриш ҳаракати бутун мамлакат учун ягона бўлган жараён доирасида амалга оширила бошланди. Бироқ, республикада бир қатор ўзига хос хусусиятлар мавжуд бўлиб, булар ўлканинг тарихий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш спецификацияси ва ишлаб чиқариш муносабатларида таъсири катта бўлган урф-одат ва анъаналар эди. Коллективлаштириш жараёнида афсуски, бу ўзига хос хусусиятлар эътиборга олинмади.

1930 йилнинг 5 январида ВКП(б) МКнинг “Коллективлаштириш суръатлари ва колхоз қурилишига давлат ёрдами бериш тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди³. Бу қарорда иттифокнинг барча республикаларида маҳаллий шароитларга кўра коллективлаштиришни тугатиш муддатлари белгилаб берилди. Ўзбекистон ва бошқа Ўрта

¹ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи (Ўзбекистон шўролар истибодиди даврида). Иккинчи китоб, иккинчи қисм. – Андижон: “Мерос”, 1998. 348-бет.

² Аминова Р. Коллективлаштириш – қашшоқлаштириш демак. // Шарқ юлдузи. 1992. №12. – 185-бет.

³ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы. Том 1. – С. 53-56.

Осиё республикалари учинчи гуруҳга киритилган бўлиб, бу республикаларда коллективлаштириш бирмунча сушт бораётганлиги таъкидланган эди. Ўзбекистонда коллективлаштиришни якунлаш муддати дастлабки режада иккинчи беш йилликка мўлжалланган эди. Бироқ якуний режа вариантида бу муддат қайта кўриб чиқилиб, республикада коллективлаштиришни 1933 йилда, яъни биринчи беш йиллик охирида тамомлашга қарор қилинди.

Ёппасига коллективлаштиришни ўтказишга раҳбарлик қилувчи республика штаби ва комиссияси ташкил қилиниб, унга асосан ЎзКП(б) МКнинг масъул раҳбар ходимлари киритилди. 1930 йил учун коллективлаштириш режаси тузилиб, тасдиқланди. ЎзКП(б) МКнинг 1930 йил 17 февралдаги қарори билан республикадаги 17 та район ёппасига коллективлаштириш райони деб белгиланди. Бу районлардан 9 таси Фарғона водийси округлари таркибига кирар эди. Фарғона водийси округларида ҳам коллективлаштириш бўйича штаблар ташкил қилинди, улар коллективлаштириш эълон қилинган районларда амалий раҳбарликни бажарар эди. Бу органлар Марказ кўрсатмаларини бажариш учун кампаниянинг бошида туриб, асосан зўравонлик усулларига эътиборни кучайтирдилар. Қишлоқларда анъанавий иқтисодий муносабатларни тубдан бузиш авж олдирилди. Қишлоқ аҳлини зўрлик билан колхозларга киритиш бошланди.

1930 йилнинг 18 февralида Андижон округи ижроия комитети “Андижон округида ёппасига коллективлаштириш районларида ташкилий- амалий ишлар тўғрисида” қарор қабул қилади¹. Унда коллективлаштириш ўтказиш белгиланган районларда юқоридан белгилаб берилган кўрсатмаларни бажариш зарурлиги ва уни белгиланган муддатда бажариш чора-тадбирлари кўрсатиб ўтилган эди.

Аслини олганда Фарғона водийсининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати бошқа республикаларга нисбатан бошқача эди. Чунончи, водийда аҳоли жуда қалин ва зич яшар, шу боисдан ҳам бу ерда чорвачиликдан кўра деҳқончилик, хусусан, суғорма деҳқончилик ривожланган эди. Деҳқончиликнинг асосий тармоғини пахтачилик ташкил қилар эди. Яқка деҳқон хўжаликлари ўзларининг ерларида ўз меҳнат билан экин етиштириб, унга ўзлари эғалик қилишга ўрганиб қолгандилар. Ерга эғалик қилиш, ундан манфаат кўриш Фарғона водийси деҳқонларининг қон-қонига сингиб кетган эди. Лекин, республика партия ва совет раҳбарияти ҳам, округ раҳбарлари ҳам бу хусусиятни ҳисобга олмади. Округ партия ва давлат раҳбар-ходимлари юқоридан берилган кўрсатмаларни маҳаллий шароитга тўғри келмаса ҳам, унга қатъий амал қилиб, кўр-кўрона бажаришга ҳаракат қилдилар².

Фарғона водийсининг барча районларида оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотларининг бутун фаолияти коллективлаштиришга қаратилди. Қишлоқ аҳолисини колхозларга киришга ташвиқ қилиш учун ишчилар синфи ҳам жалб этилди. ВКП(б) МКнинг 1929 йил ноябрь пленуми қарори билан қишлоқларга камида 25 минг ишчини юбориш таклиф этилди, улар қишлоқларда, “аграр инқилоб”ни авж олдиришлари керак эди. Ўзбекистонга Россиянинг марказий районларидан 437 ишчи юборилди. Улар билан биргаликда маҳаллий ишчилар синфи ўз сафларида 263 кишини сафарбар қилди³.

Фарғона водийсини оталиққа олган Иваново-Вознесенский ишчилари ўз бригадаларини Фарғона ва Андижон округларига юбордилар. “25 мингчи”лардан Андижон округига 33 киши, Фарғона округига эса 29 киши етиб келди.

Фарғона водийси районларида коллективлаштириш ҳаракати тез суратда ўса бошлади, чунки бу ерлар ҳосилдор, деҳқонлар катта тажрибага эга, пахтачиликдан юқори ҳосил оладиган ҳудуд эди. Барча жойларда бўлганидек, колхозларга деҳқонларни бирлаштириш ҳаракати амалий жиҳатдан бузғунчилик ҳаракатига айланиб кетди. Коллективлаштириш ҳаракатида рақамлар ортидан қувиш бошланди. Фарғона водийси

¹ Андижон вилоят давлат архиви, 145-фонд, 1-рўйхат, 51 иш, 32 варақ.

² Андижон тарихидан лавҳалар. – Андижон: 2008. 224-225-бетлар.

³ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустанлакачилиги даврида. 348-бет.

районларида ҳам деҳқонлар зўрлик билан колхозларга киритила бошлади. Колхозга киришни истамаганларга турли тазйиқ ўтказилди ёки қулоқлар рўйхатига киритилди.

Маъмурий тазйиқ натижасида орадан бир неча ҳафта ўтгандан кейин ҳали бирорта ҳам колхоз тузилмаган айрим районлар коллективлаштиришни тугатганликлари ҳақида маълумот бердилар. Масалан, Андижон округининг Асака районида деҳқон хўжаликларининг “100 фоиз коллективлаштирилганлиги” ҳақидаги маълумот 1930 йил февраль ойи бошидаёқ республика штабига юборилди. 1930 йил 24 февралда Жалалқудук районида 59 та колхоз тузилиб, буларга 13 мингдан зиёд хўжалик бирлаштирилди. Андижон округи бўйича 1930 йилнинг март ойи бошларига келиб колхозларга бирлаштирилган деҳқон хўжаликларининг сони 98,7 минг кишига етди.¹

1930 йилнинг февраль ойи бошларида Андижон округидаги Балиқчи, Марҳамат районлари ҳам ёппасига коллективлаштириш районлари қаторига киритилди.

1929 йилда Норин туманининг Бўз Ўлмас қишлоғида “Оқ олтин” артели ташкил этилган бўлиб, у атиги 27 деҳқон хўжалигидан таркиб топган. Колхозга батрак Бозор Аҳмедов раис қилиб сайланган. Ўша вақтларда бир колхоз тузилса, иккинчи колхоз тарқаб ҳам кетаверган.

Қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш бошланганидан кейин Норин туманига Тошкентдан вакил Ходи Файзиев келиб, колхозлаштиришни тезлаштириш, унинг афзалликлари тўғрисида ташвиқотни жадаллаштириш зарурлигини айтиб, бундан бошқа йўл йўқлигини туман фаолларига қатъий масала қилиб қўйган. Шу куни янги хўжалик – “Қизил Ўлмас” колхозини ташкил этилади. Унга Тошмамат Худойкулов раис этиб сайланади. Колхоз ҳисобида 7 та от, 2 та қўш хўкиз, 2 та арава, 2 та омов ва битта мола бўлган, холос.²

1930 йилнинг баҳори ва кузида “Правда”, “Давлат”, “Чамбил” колхозлари ташкил этилади. Уларга Абдуваҳоб Азимов, Жалил Нишонов, Боймурод Худойкулов раис бўлган. 34 хонадонни бирлаштирган Октовлида “Норин” колхозини тузилди ва раис қилиб Абдукарим Қозоқов сайланган.

1930 йилда Сирмоқ қишлоғида “План бажариш” ва “САКУ” колхозлари ташкил топди. Катта Жайдоқ қишлоғида “Яйдоқ”, “Рабочий”, “Тулистон”, “Комсомол”, “Қизил ой”, “Тўлқин” колхозлари тузилди. “Комсомол” колхозига жайдоқлик Мамажон Мирзакулов раис бўлиб, узоқ йиллар ишлаган.³

Коллективлаштиришнинг тезлик билан, шошма-шошарлик билан ўтказила бошланиши натижасида республика бўйича 1930 йил мартда деҳқон хўжаликларининг 47 фоизи колхозларга бириктирилди, ҳолбуки, 1929 йил октябригача колхозларда деҳқон хўжаликлари атига 3,4 фоизи бириккан эди, холос. Республикада ўртача кўрсаткич билан Фарғона водийси районларидаги кўрсаткичларни таққослаганда, Фарғона водийсида коллективлаштириш компанияси қанчалик тез суръатларда олиб борилганлиги намоён бўлади. Коллективлаштириш жараёнида уй жойларни, майда ҳайвонларни, ҳатто уй-рўзғор буюмларни ҳам умумийлаштирилди, районларда қонунбузарлик, мажбурлаш, ноҳақ солиқ солиш, қулоқ қилиш, сургун қилиш, дағдаға билан қўрқитиш, ҳуллас қатағон қилиш сиёсати авж олиб кетди.

1930 йилнинг февраль ойи ўрталаридаги маълумотга кўра, Фарғона ва Андижон округлари бўйича ёппасига коллективлаштириш районлари деб эълон қилинган районларда коллективлаштириш кўрсаткичлари қуйидагича бўлган:

1. Асака райони – жами деҳқон хўжаликлари 14522 та бўлиб, улардан 13582 таси колхозларга киритилган, коллективлаштириш кўрсаткичи 94,2%;

2. Шаҳрихон райони – жами деҳқон хўжаликлари 11214 та бўлиб, улардан 10542 таси колхозларга киритилган, коллективлаштириш кўрсаткичи 94,0%;

¹ Муаллифлар жамоаси. Андижон тарихидан лавҳалар. – Андижон: 2008. 226-бет.

² Абдумажидов Р. Ҳаёт лабиринтлари (Одамлар ва йиллар). Биринчи китоб. – Т.: “Мухаррир”, 2012. 40-бет.

³ Абдумажидов Р. Ҳаёт лабиринтлари (Одамлар ва йиллар). Биринчи китоб. – Т.: “Мухаррир”, 2012. 40-41-бетлар.

3. Балиқчи райони – жами деҳқон хўжаликлари 9310 та бўлиб, улардан 8752 таси колхозларга киритилган, коллективлаштириш кўрсаткичи 94,0%;
4. Жалақудуқ райони – жами деҳқон хўжаликлари 13526 та бўлиб, улардан 12715 таси колхозларга киритилган, коллективлаштириш кўрсаткичи 94,0%;
5. Норин райони – жами деҳқон хўжаликлари 14022 та бўлиб, улардан 13181 таси колхозларга киритилган, коллективлаштириш кўрсаткичи 94,0%;
6. Марҳамат райони – жами деҳқон хўжаликлари 8319 та бўлиб, улардан 7820 таси колхозларга киритилган, коллективлаштириш кўрсаткичи 94,0%;
7. Чуст-Поп райони – жами деҳқон хўжаликлари 14255 та бўлиб, улардан 13400 таси колхозларга киритилган, коллективлаштириш кўрсаткичи 94,0 %;
8. Бағдод райони – жами деҳқон хўжаликлари 14792 та бўлиб, улардан 13910 таси колхозларга киритилган, коллективлаштириш кўрсаткичи 94,0%;
9. Фарғона райони – жами деҳқон хўжаликлари 9305 та бўлиб, улардан 8747 таси колхозларга киритилган, коллективлаштириш кўрсаткичи 94,0%;
10. Қува райони – жами деҳқон хўжаликлари 6312 та бўлиб, улардан 5934 таси колхозларга киритилган, коллективлаштириш кўрсаткичи 94,0%;
11. Марғилон райони – жами деҳқон хўжаликлари 14873 та бўлиб, улардан 13985 таси колхозларга киритилган, коллективлаштириш кўрсаткичи 94,0%¹.

Республиканинг ёппасига коллективлаштириш эълон қилинган 19 та райони бўйича бу даврда жами 189818 деҳқон хўжаликлари бўлиб, улардан 177546 таси колхозларга киритилган, коллективлаштириш кўрсаткичи 93,5 % ни ташкил қилган². Кўриниб турганидек, Фарғона водийси районларидаги коллективлаштириш кўрсаткичлари республика бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган.

Маҳаллий раҳбарларда коллектив хўжаликлари ҳақида етарлича тушунча йўқлиги боис, ташкил этилган колхозларда уй-жойларни, майда ҳайвонларни, паррандаларни, хатто идиш-товоқларни ҳам умумийлаштириш ҳолатлари Фарғона водийси туманларида ҳам кузатилди. Колхоз қурилиши жараёнида ихтиёрийликка умуман амал қилинмади.

Колхозлар ташкил этиш ҳаракатидаги нотўғри йўлдан бориш коллективлаштиришни сунъий равишда авж олдиришдангина иборат бўлмай, маҳаллий партия-совет ходимларининг аксарият қисмининг чаласаводлиги, сиёсий жиҳатдан нўноқлиги билан ҳам белгиланади. Уларнинг жуда кўпчилиги юқоридан берилган кўрсатмаларнинг моҳиятини тўла тушуниб етмас эдилар. Бу эса шундоқ ҳам юз бериб турган зўравонлик ва адолатсизликларни янада кучайтиришга олиб келар эди.

2.2. Мажбурий коллективлаштиришга қарши деҳқонларнинг оммавий норозилик ҳаракатлари кўринишлари ва унинг динамикаси

Коллективлаштириш давомида амалга оширилган адолатсизлик, зўравонлик ва одамларни кадр-қиммати оёқ ости қилиш сиёсати халқ оммасининг совет ҳукуматидан норозилигининг мислсиз даражада кучайишига сабаб бўлди. 1930 йилнинг феввалида Фарғона водийсининг бир қанча районларида меҳнаткашларнинг оммавий чиқишлари бўлиб ўтди.

1930 йилнинг феввалида Фарғона округи қишлоқларида деҳқонларнинг оммавий чиқишлари бошқа ҳудудларга қараганда кўп содир бўлган. Лекин, бу даврда Андижон (36 оммавий чиқиш, қатнашчилар сони – 19373 киши) ва Бухоро (13 оммавий чиқиш, қатнашчилар сони 2600 киши) округларидаги оммавий антиколхоз чиқишлар ўзининг шиддати, кўлами ва совет ҳокимиятига хавфининг кучлилиги билан бир неча баробар юқори бўлган³.

¹ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы. Том 1. – С. 74.

² Ўша жойда.

³ Трагедия среднеазиатского кишлака: ... Т.1. – Т.: Шарк, 2006. – С. 197.

Нафақат Ўзбекистондаги, балки Иттифокнинг партия ва совет раҳбарларини ларзага солган Фарғона округи Боғдод, Чуст-Поп районларидаги оммавий чиқишлар март ойида ҳам қайталанган. Уларга Бувайда ва Кудаш районлари ҳам қўшилган.

Республикадаги колхозларга қарши оммавий ҳаракатнинг, инқилобий чиқишларнинг тавсифини ўша вақтдаёқ расмий доиралар таҳлил этишган. Ёппасига коллективлаштириш учун белгиланган районлар аввалдан коллективлаштиришга тайёрланган эмас. Коллективлаштиришнинг белгиланган суръатлари раҳбариятнинг аппаратчилиги натижаси, жойлардан олинган ахборотларга етарли даражада танқидий ёндошмаслик, коллективлаштириш режаларини тузишдаги идорапарастлик натижаси бўлган. Энг асосий сабаб, бир томондан коллективлаштириш фоизини белгилашда ҳаддан ташқари катта кўламлилиқ ва колхозларнинг олий шаклига (коммуна) сакраб ўтиб кетишлар бўлса, иккинчи томондан эса, кулоқларни синф сифатида тугатиш шиорини коллективлаштиришдан ажратиб ташлаб, мустақил вазифа деб қараш бўлган¹.

Маҳаллий партия раҳбарларининг яна бир хатоси коллективлаштиришнинг юқори фоизлари ортидан қувиб, иттифокнинг энг илғор районларига етиб олиш, улардан ўзиб кетишга интилиш эди. Бу эса республика марказининг округларга колхоз қурилиши соҳасида нотўғри кўрсатмалар беришларига олиб келган. Бу ҳол ўз навбатида халқ оммаси норозилигининг ортиб боришига сабаб бўлган.

Бағдод райони Чувалачи қишлоқ советида маъмурий тазйиқ остида 5 қишлоқни билаштирган йирик колхоз тузишга эришган ва колхоз тузиш чоғида: ким колхозга кирса, қўй ёғи ейди, ким кирмаса – қалампир – деб тушунтирган район вакили Муллажонов 3 март куни Хитой қишлоғига чорвани ҳисобга олиш мақсадида комиссия бошлаб келган. Комиссия аъзоларини бойлар ва ҳақсизлар раҳбарлигидаги 150 киши пешвоз чиқиб, иккитасини калтаклаган, қишлоқ совети раиси қочиб қутилган. Шундан кейин ғалаён иштирокчилари ташкилий тарзда бошқа қишлоқларга қараб юрган. Йўлда уларга бошқа деҳқонлар қўшилиб Тоғота қишлоғига етганда уларнинг сони 500 тачага етган. Кўчада 5 қишлоқдан колхозга кирганларнинг барча рўйхатлари ёқиб юборилган. Шу ернинг ўзида барча йиғилганлар бошқа колхозга кирмасликлари ҳақида қасам ичганлар ва ушлаб турилган ходимлардан қишлоқларга колхоз тузишга қайтиб келмаслик ваъдасини олиб тилхат ёздирганлар. ОГПУ маълумотига кўра бу ғалаён 2 кун аввал бой, руҳоний ва ҳақсизлар томонидан деҳқонларнинг маҳфий йиғилишларида тайёрланган. Шунга ўхшаш ҳолатлар Бағдод районининг бошқа қишлоқларда ҳам содир бўлган. Мадаминчек қишлоғида 200-300 деҳқон, 100% коллективлаштирилган Хўжақишлоқда 600 га яқин деҳқонлар колхозларни тарқатиб юбориш талаби билан чиққан².

Чуст-Поп районида ҳам яна 3 март куни деҳқонларнинг ғалаёни такрорланган ва бу сафар жисмоний куч ишлатилган. ГПУ вакили ва район партия ва совет ходимлари Мозор қишлоғига келиб 22-25 февралдаги ғалаёнларни бошлаганларни қўлга олган. Қўлга олиш иштирокчиларини 150 киши ўраб олган ва қўйиб юборишга мажбур қилганлар. ГПУ ва маҳаллий ходимлари шу мақсадда Ғурумсаройга келганда уларни 300 киши қуршаб олган. Оломон ГПУ ходимини ва районнинг экиш бўйича икки вакилини калтаклаганлар, қишлоқ совети биноси вайрон қилинган.

Бувайда районида ҳам деҳқонларнинг оммавий норозилик чиқишлари авж олган. 4 март куни кечки пайт Қайнил қишлоғига қўшни қишлоқ аҳли ҳам тўпланган. 1500 деҳқон колхозда қолишни хохламасликларини билдириб, колхозга ёзилганлар рўйхатини йўқ қилинишини ва ҳақсизлар ҳукуқи тикланишини талаб қилганлар. 5 март куни эрталаб масжид ёнига 500-600 тача деҳқон тўпланиб колхозни бекор қилишни талаб қилиб чиққан. Кудаш районидаги Катта Янги, Шунқор, Райимдевова, Оқтепа, Оқмачит, Имом, Ҳайит қишлоқларида ҳам “Колхоз рўйхатини беринглари”, “Солиқлар қисқартирилсин”,

¹ Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Т.: “Шарқ”, 2003. 127-бет.

² Трагедия среднеазиатского кишлака: ... Т.1. – Т.: Шарқ, 2006. – С. 104 – 105.

“Ҳақсизлар ҳуқуқи тиклансин” деган талаблар билан деҳқонларнинг оммавий норозилик номайишлари бўлиб ўтган.¹

Шу кунлари Боғдод районининг Қўштегирмон, Хўжақишлоқ, Чувалачи, Мадаминчек, Қиркиболди, Улат, Ултарма, Қанғли, Самарқанд, Чувринди қишлоқларидаги совет ҳокимияти ва колхозга қарши оммавий чиқишлар бўйича Фарғона округжўмига маъруза варақаси тайёрлаган. Боғдод райком бюроси аъзолари Файзи Алиев, Муртазин, Усмонхўжаевлар “колхоз қурилишига ва экиш билан боғлиқ бошқа тадбирларга қарши чиқишлар бўлмаётган қишлоқлар жуда кам”лигини таъкидлаб ўтганлар.

Андижон округи Балиқчи районида бир гуруҳ камбағал ва ўртаҳол деҳқонлар 1930 йил 20 феввалида Полвонқўл қишлоғида колхоз тузишга бағишланган умумий йиғилишни бекор қилганлар.

Коллективлаштириш ва қулоқ қилишга қарши Андижон округи деҳқонларининг 1930 йил феввалидан 12 мартгача бўлган даврдаги чиқишлари ОГПУнинг маълумотларида қуйидагича таҳлил қилинган:

“1. Андижон округи Жалолқудуқ районида 1 март куни райком биносига 300 кишилиқ оломон келиб диний маросимларни ўтказишга руҳсат берилишини талаб қилади. Оломондагилар бақирӣ-чақирӣ билан ўзларининг ичидаги собиқ фаол босмачининг “Николай замонида бойлар совет ҳокимиятидагидек таъқибга учрамагандилар ва азобга солинмагандилар” деган овозини қўллаб-қувватлаб чиқдилар

2. Жалақудуқ ва Избоскан районларида 1 март куни учта қишлоқ колхозга киришдан бутунлай бош тортди. 50 кишилиқ оломон Лўғумбекдаги пахта сотиб олиш пунктига келиб нима учун колхозга кириш мажбурий эканини тушунтириб беришни талаб қилган.

10. Андижон шаҳри. 10 март. Ойим, Қўрғонтепа, қисман Андижон районларида аҳвол ниҳоятда оғир. Ҳамма жойда юзага келган шиорлар бир хил, ғирт аксилинқилобийдир. Бугун ёппасига коллективлаштирилган 19 та қишлоқ советлари номидан юборилган вакиллар Андижонга келиб: “Колхозларни тарқатиб юбориш”, “Колхозчилар ва ҳақсизлар рўйхатини бериш”, “камбағаллар ташкилотлари ва йиғинларини тугатиш”, “Ҳақсизлар ҳуқуқини тиклаш”, “қамокқа олинган қулоқларни озод қилиш”ни талаб қилганлар.

12. Шаҳрихон райони. 12 март куни Шаҳрихондаги пахта заводида Бувайда, Юқоривариқ, Шаҳрихон қишлоқ советларидан 100 кишилиқ оломон келган. Улар “Ҳақсизлар ҳуқуқи тиклансин”, “Қишлоқ советлари қошида қамалганлар озод қилинсин”, “Эркин савдога руҳсат этилсин”, “Колхозлар тарқатиб юборилсин ва уй ҳайвонлари қайтарилсин”. “Қишлоқ советларига қайта сайлов ўтказилсин” каби талабларни қўйганлар. Сухбатда колхозларни тарқатиб юбориш тўғрисида кўрсатма берилгандан сўнг оломон тарқала бошлаган”².

1930 йил 13 март куни Асака райони Қоратепа қишлоғида 1000 кишилиқ оломон “Йўқолсин колхозлар”, “йўқолсин советлар ҳокимияти” деган шиорлар билан район марказига йўл олган. Оломон сафи кенгайиб 2500 кишигача етади ва улар колхозларни тарқатиш, ерларни қайтариб бериш, қамокқа олинганларни озод қилиш, ҳақсизлар ҳуқуқини тиклаш, диний эркинликни таъминлаш каби талабларни қўйганлар. Қишлоқ аҳолисининг бундай чиқишлари 13 март куни Избоскан райони Хайробод қишлоғида, Норин райони Шўрариқ қишлоғида, 15 март куни Асака районидаги Хонобод қишлоғида ҳам юз берди.умуман, 1930 йилнинг 25 феввалидан 17 мартгача Андижон округининг районларида қишлоқ аҳолисининг 36 та оммавий норозилик ҳаракатлари юз берган ва бу ҳаракатларда 9373 киши иштирок этган”³.

¹ Трагедия среднеазиатского кишлака: ... Т.1. – Т.: Шарк, 2006. – С. 105 – 106.

² Андижон тархидан лавҳалар. 230-231-бетлар.

³ Шамсутдинов Р. Қишлоқ жожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Т.: “Шарк”, 2003. 154-бет.

Фарғона водийси районларида оммавий норозилик ҳаракатларининг кескин ўсиб бориши билан бир қаторда республиканинг бошқа округларида ҳам коллективлаштиришга қарши жиддий чиқишлар юз бера бошлади. ОГПУнинг маълумотларига кўра, республикада бу даврда 240 марта оммавий норозилик чиқишлари содир бўлган¹.

Оммавий чиқишлар натижасида нафақат янги ташкил этилган колхозлар, балки эскидан фаолият кўрсатаётган колхозлар ҳам тарқаб кетган. Катта Ховуз қишлоқ советидаги аҳоли учун намуна бўлиб турган, пахта бўйича контрактацияси 107 % га бажарган эски “Тоймас” колхозини тарқатиб юборилган. Бойлар колхоз раиси ва бошқарув аъзоларини колхоз тузилиши маразлари сифатида ўлдиришга таҳдид қилганлар. Колхозчилардан эса барча вақф ерларини масжид ихтиёрига қайтаришлари талаб қилинган².

Шошилишч қўрилган чораларга қарамай мажбуран тузилган колхозлар тарқалиб кета бошлади. Масалан, Андижон округида 1930 йил 18 мартга келиб, колхозларга киритилган 110,9 минг деҳқон хўжалигидан фақат 28 минг хўжалик қолди, холос. Бу миқдор округ бўйича барча деҳқон хўжаликларининг 23,0 фоизини ташкил этар эди.¹

Округнинг Избоскан, Ойим, Янгиқўрғон, Марҳамат, Андижон районларида колхозларда қолган хўжаликлар фақат 10 фоизни ташкил этар эди. Республика бўйича эса коллективлаштириш даражаси 1930 йил мартдан май ойига қадар 47,8 фоиздан 27,5 фоизга тушиб қолди.

Бу ҳолатларнинг барчаси мустабид тузумнинг Ўзбекистонда, жумладан Фарғона водийсида амалга оширган зўравонлик сиёсати оқибатида юз берган эди. Лекин бу ҳолат узоқ давом этмади. Советлар қисқа муддатли танаффусдан сўнг коллективлаштириш сиёсати амалиётининг янги тўлкинини бошлаб юборади. Оммавий норозилик ҳаракати ташкилотчилари ва фаол қатнашчилари ОГПУ органлари томонидан қамокқа олинади. Жумладан, Андижон округида аксилинкилобий фаолият кўрсатганликда айбланган 607 киши ҳибсга олинган. Уларнинг аксарияти ўртаҳол ва камбағал деҳқонлар, савдогар ва рухонийлар эди.

2.3. Коллективлаштириш асосида “қулоқ қилиш” сиёсатининг ўтказилиши

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш билан бир пайтда амалга оширилган ўзига тўқ, ишбилармон деҳқон хўжаликларининг қулоқ қилиниши ҳаммасидан ошиб тушди. Бу мудҳиш тадбир ВКП (б) Марказий Комитетининг 1930 йил 20 февралда қабул қилинган “Коллективлаштириш ва иқтисодий жиҳатдан орқада қолган миллий районларда қулоқларга қарши кураш тўғрисида” қарори³ асосида амалга оширилди.

“Қулоқларни синф сифатида тугатиш” жараёнида қишлоқ аҳолиси том маънодаги қатағонга тортилди. Қатағон турли усулларда олиб борилди. 1930 йилнинг 27 февралигача Андижон округи бўйича 21928 киши сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган, улардан 4133 нафари тадбиркорлар, 3415 нафари меҳнатсиз даромад билан яшаётган шахслар, ва 2543 нафари савдогарлар, 5620 нафари рухоният кишилари 286 нафари полициячилар бўлган. Улардан 489 киши судланиб, ҳукмга тортилган.

Айни пайтда “қулоқ” хўжаликларини аниқлаш ва уларни индивидуал шаклдаги солиққа тортиш ишлари ҳам авж олдирилди. Жумладан, Норин районида 1930 йилнинг 2 июлига қадар 20 та қишлоқ совети бўйича 629 та “қулоқ” хўжалиги рўйхатга олинди, оғир мажбуриятлар юкланган⁴. Андижон округи бўйича эса 1930 йилнинг апрель ойигача 2571 хўжалик қулоқ хўжалиги сифатида рўйхатга олинган⁵.

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 352-бет.

² Трагедия среднеазиатского кишлака: ... Т.1. – Т.: Шарк, 2006. – С. 129 – 130.

³ Аминова Р Осуществление коллективизация в Узбекистане (1929-1932 гг.) Ташкент, “Фан” 1977. – С. 83.

⁴ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы. Том 1. – С. 74.

⁵ АВДА, 125-фонд, 1-рўйхат, 100-иш, 33-варақ.

⁶ АВДА, 189-фонд, 1-рўйхат, 392-иш, 39-варақ.

1930 йилнинг 2 июлидаги маълумотга кўра, Норин райони бўйича рўйхатга олинган ва ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланган “кулоқ” хўжаликлари миқдори қуйидагича бўлган:

Ҳаққулобод қишлоғида 19 та, Хўжаобод қишлоғида 16 та, Бойовул қишлоғида 17 та, Катта Ўлмас қишлоғида 36 та, Полвонкўл қишлоғида 17 та, Шаҳидмозор қишлоғида 12 та, Яшиқ қишлоғида 57 та, Учтепа қишлоғида 28 та, Чўжа қишлоғида 35 та, Пода қишлоғида 59 та, Кемабоши қишлоғида 11 та, Жайдоқ қишлоғида 19 та, Ёрбоши қишлоғида 16 та, Капа қишлоғида 20 та, Қайки қишлоғида 31 та, Қўғай Ўлмас қишлоғида 49 та, Элатон қишлоғида 33 та, Учқўрғон қишлоғида 111 та, Катта Мўғул қишлоғида 7 та, Дўмар қишлоғида 32 та кулоқ хўжалиги бўлган. Район бўйича жами 625 та кулоқ хўжалиги рўйхатга олинган.

1930-31 хўжалик йилида камбағаллар йиғинида ушбу рўйхат қайта кўриб чиқилган. Текшириш натижасида 625 та кулоқ хўжалигидан 492 таси рўйхатдан чиқарилган. Чунки бу пайтга келиб улардан 331 таси ўзининг кулоқлик белгисини йўқотган, 23 таси тугатилган, 86 таси ўзининг ўзи тугатган, яъни хўжалигини ташлаб қочиб кетган. Айни вақтда кулоқлар рўйхатига янгидан аниқланган 134 та кулоқ хўжалиги киритилган.

Юқоридаги тадбирлар аслида ЎзКП (б) МК нинг 1930 йил 31 январдаги қарорига биноан амалга оширила бошланган эди. Бу қарорга кўра, барча бой ва кулоқ хўжаликлари индивидуал шаклдаги солиқ тартибига киритилиши, уларнинг хўжаликлари тугатилиб, ўзлари ламикор ва янги ўзлаштирилаётган ҳудудларга кўчирилиши лозим эди. Улардан ер-сув, уй-жой ва ёрдамчи иморатлар, қишлоқ хўжалик жихозлари, чорва ҳайвонлари мусодара қилиниб, колхозлар мулкига берилиши кўза тутилган эди. Уларнинг кўчирилган жойларда меҳнат фаолиятлари учун ихтиёрларида 1 та от, 2 та хўкиз ёки 3 та эшак, арава, бир комплектдан қишлоқ хўжалик қуроллари ва шахсий рўзғор буюмларини қолдириш кўзда тутилган эди¹.

“Кулоқ” хўжаликлари билан бир қаторда ерларига ўз меҳнати билан ишлов бермаётган савдогарлар, руҳонийлар хўжалигидан ҳам ер, чорва ҳайвонлари, меҳнат қуроллари, ортикча уй жойлар мусодара қилиниши ҳам бу қарорда кўрсатиб ўтилган эди.

Ёппасига коллективлаштириш районларида чорикор меҳнатидан фойдаланиш қатъий таъқиқлаб қўйилди. Ҳали ёппасига коллективлаштириш эълон қилинмаган районларда эса, қишлоқ советлари томонидан бу район ҳудудидаги кулоқлар, уларга тегишли ер, чорва ҳайвонлари, уй- жой миқдори рўйхатга оlinиб, бу мулкларни сотиб юбормасликлари ҳақида тилхат олинган.

СССР Марказий Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети 1930 йил 1 февралдаги “Ёппасига коллективлаштириш районларида қишлоқ хўжалигини социалистик қайта қуришни мустаҳкамлаш ва кулоқларга қарши кураш тартиблари тўғрисида”ги қарорига ёппасига коллективлаштирилаётган районларда ерни ижарага бериш ва ёлланма меҳнатдан фойдаланиш таъқиқланган эди. Ўзбекистон шароитида, айниқса Фарғона водийси районларида пахтачилик ишлаида кулоқ хўжаликларгина эмас, ўртаҳол, ҳатто камбағал хўжаликлар ҳам ёлланма меҳнатдан фойдаланар эдилар. Бу қарорнинг эълон қилиниши ва унга биноан республика партия органлари чиқарган қарорларни амалиётга тадбиқ қилиниши “кулоқлар” миқдорини ўртаҳол ва камбағал деҳқонлар ҳисобига кўпайтириб юборди. Шу боис ҳам Фарғона водийсидаги айрим районларда рўйхатга олинган “кулоқлар” миқдори барча деҳқон хўжаликларининг 15-20 фоизини ташкил қилди.

“Кулоқ”ларни тугатиш жараёнида ижтимоий мезон ўлчовлари ўрнини миқдор ўлчовлари эгаллади. Кулоқ қилишда ҳам рақамлар опртидан қувиш юз берди. Аслида кулоқ хўжаликларини аниқлаш ва тоифаларга ажратишнинг аниқ мезон ва ўлчовлари йўқ эди. Маҳаллий раҳбарлар кулоқ қилишда ўз билганларича иш тутдилар. Оқибат шу бўлдики, кулоқларни синф сифатида тугатишнинг ўткир тиғи биринчи навбатда ўртаҳол

¹ Аминова Р.Х. Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане. – Т.: «Фан», 1995. – С. 20.

деҳқонларга қаратилди. Айрим районларда ўртаҳол ва якка хўжаликлар марказдан юборилган кўрсатмаларга кўра қишлоқ хўжалик жиҳозлари билан таъминланишдан маҳрум қилиндилар. Андижон округи Косонсой районида сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган 1770 кишининг 394 таси қулоқ деб ҳисобланган ўртаҳоллар, 536 нафари эса диндор ҳисобланган деҳқонлар бўлган¹. Бу ҳолатлар қишлоқнинг кенг қатлами ўртасида хавотирлик уйғотиб, саросимага солди. Ўртаҳол деҳқонлар, ҳатто камбағаллар ҳам қулоқлар рўйхатида тушиб қолишдан қўрқиб хўжалик фаолиятини тўхтатиб қўйдилар.

Қулоққа тортиш деҳқонлар оммасида советлар давлатига нисбатан хавфсираш, ишончсизликни келтириб чиқариши табиий бир ҳол эди. Кўплаб одамлар ўзларини тақдир ҳукмига ташлашга мажбур бўлдилар. Андижон округининг бир қанча қишлоқларида аҳоли асбоб-ускуналарини, молларини, ҳатто мевали дарахт кўчатларини ҳам сотиб юбориб, хўжалик юритишдан бутунлай воз кечган.

Республикада ўзига тўқ хўжаликларга нисбатан сиқув кун сайин кучайиб борди. 1930 йил июнь ойида бўлган Ўзкомпартиянинг V съездида “қулоқларни синф сифатида тугатиш” масаласи ҳам муҳокама қилинди. Съезд резолюцияларида “бой-қулоқ унсурлар” га қарши курашни кучайтириш уларга қарши курашда барча имкониятларни ишга солиш ва бу тадбирларда партия органларининг етакчилик ролини ошириш зарурлиги таъкидланди².

“Қулоқ” хўжаликларини тугатишда иқтисодий усуллардан ҳам фойдаланилди. Бу усулнинг моҳияти “қулоқ” ва якка хўжаликларни иқтисодий жиҳатдан сиқиштириш эди. Деҳқонлар солиқ, кредит ва ирригацион имтиёзларда ҳам ижтимоий табақаларга ажратилган. Масалан, қишлоқ хўжалик солиғи 1930 йилда камбағал хўжаликлар учун битта хўжаликка 2 сўм 13 тийин, ўртаҳол хўжаликка 14 сўм 80 тийин, бадавлат хўжаликка 105 сўм 62 тийин, қулоқ хўжалигига 264 сўм 69 тийин миқдорида белгиланган³.

ЎзССР Халқ Комиссарлари Советининг 1930 йил 30 октябрда бўлиб ўтган йиғилишида қулоқ хўжаликлари устидан солиқ сиёсатини қай тарзда олиб бориш масаласи муҳокама қилинди. Бу масалага доир тегишли қарорлар қабул қилинди. Бунга кўра Молия Халқ Комиссарлигига туман ижроия комитетлари билан ҳамкорликда 10 кун ичида индивидуал солиққа тортиладиган қулоқ хўжаликларини ҳисобга олиш вазифаси топширилди. 1930 йил 30 октябридаги маълумотга кўра республиканинг 61 та райони бўйича 12151 та “қулоқ” хўжалиги рўйхатга олинган. Шундан сўнг 1930-1931 хўжалик йили учун индивидуал қишлоқ хўжалик солиғи мажбурияти юкланадиган “қулоқ” хўжаликларини аниқлаш ишлари авж олдириб юборилди. Қулоқ хўжаликларини аниқлашга доир янги белгилар киритилди. Бунга кўра 4-5 ой давомида ёлланма ишчи кучидан фойдаланганлар, узлуксиз бир ой давомида ёлланма меҳнатдан фойдаланганлар, механик двигателли машинаси бор хўжаликлар, ишлаб чиқариш корхонаси бўлган хўжаликлар, шунингдек тегирмон, мойжувоз ва шунга ўхшаш восита соҳиблари “қулоқ” сифатида рўйхатга олиниб индивидуал солиққа тортилдилар. Шу билан бир қаторда табиблар, даллоллар ҳам округ ижроия комитетининг қарорига кўра қулоқ сифатида рўйхатга олиндилар ва уларга индивидуал солиқ мажбурияти юкланди⁴.

Хуллас, 1930 йилда республика бўйича 18939 хўжалик “қулоқ” хўжалиги сифатида рўйхатга олинди. Улар барча деҳқон хўжаликларининг 2,28 фоизини ташкил этди. Уларнинг маълум бир қисми тугатилиб, катагон қилинди. ОГПУнинг махфий маълумотларига кўра, 1930 йилнинг ўзида Ўрта Осиё республикалари бўйича 5255 киши катагон қилинган⁵. Ўзбекистонда эса расмий маълумотларга кўра 2648 та “қулоқ”

¹ Голованов А.А. крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения 1917-1937 гг. – Т.: “Фан”, 1992. – С. 132.

² Қаранг: Сплошная коллективизация сельского хозяйства Узбекистана. (1930-1932гг) Сборник документов. Т., «Узбекистан», 1980. стр. 42-50.

³ Андижон тарихидан лавҳалар. 236-бет.

⁴ Абдуллаев М.Ғ. Ўзбекистонда советларнинг “қулоқ” қилиш сиёсати ва унинг фожиаи оқибатлари (1929-1945 йиллар). Тарих фан. ном. илмий даражаси учун диссертация. – Андижон: 2002. 105-варақ.

⁵ Трагедия советской деревни... Т.2. стр. 809.

хўжалиги тугатилиб, қатағон қилинган¹. Уларнинг бутун мол-мулки, уй-жойи, рўзғор буюмлари ва чорва ҳайвонлари мусодара қилинди.

“Кулоқ” хўжаликларини тугатишда ошқора террор усуллари ҳам қўлланди. Ўз навбатида жабр кўрган ва сиёсатдан норози бўлган деҳқонлар ҳам давлат террорига қарши террор билан жавоб қайтардилар. 1930 йилнинг Ўзида республикада ҳукумат одамларига қарши 338 марта террор уюштирилди ва 157 киши ўлдирилди². Бироқ бу ҳаракатлар мустабид совет ҳукуматининг зўравонлик сиёсатини тўхтата олмади. Аксинча, бу ҳаракатлар советларнинг “кулоқ” хўжаликларига қарши курашини кучайтиришга баҳона бўлди. 1930 йилнинг охири-1931 йил бошларидан “кулоқ” хўжаликларини тугатишга қаратилган зўравонлик ҳаракати авж олдириб юборилди.

1931 йил баҳоридан республикада янгидан ёппасига жамоалаштириш туманларини тузиш амалиёти бошланди. Партия ва ҳукуматнинг бу сиёсатни кенг ёйишга қаратилган қарор-кўрсатмалари эълон қилина бошлади. Айни пайтда “кулоқ” хўжаликларини тугатиш бўйича комфирканинг янги бир шиддатли хужуми бошланди.

1931 йил 7 январда ЎзССР Халқ Комиссарлари Советининг “Кулоқ хўжаликларни тўла аниқлаш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди³. Қарорда кулоқларни синф сифатида тугатиш учун уларга қарши курашнинг турли кўринишларини авж олдириш зарурлиги таъкидланди. Кулоқ хўжаликларини аниқлаш учун туман ижроия комитети раиси, молия бўлими мудир ва туман пахта-ғалла тайёрлов бўлими вакилидан иборат сиёсий учликлар ташкил қилиш, туман прокурори ва ишчи-деҳқон инспекциясига “кулоқ”ларни аниқлаш кампаниясини фаол юритиш учун кўшимча имтиёзлар бериш, кулоқ хўжаликларини зудлик билан жавобгарликка тортиш каби кўрсатмалар берилди.

Мазкур қарор республиканинг барча туманларига телеграф орқали етказилди. Жойларда қарор юзасидан тегишли амалий ҳаракат авж олиб кетди. Тўрақўрғон туманида 11 январдаёқ сиёсий учлик ташкил қилинди. Унинг фаолияти билан 1931 йил 30 январга қадар туман бўйича 127 та “кулоқ” хўжалиги аниқланди ва улар устидан маъмурий жазо чоралари кўрилди⁴.

“Кулоқ” хўжаликларини аниқлаш ишлари Марғилон шаҳрида ҳам бошлаб юборилди. Шаҳар советининг қарорига мувофиқ бу кампания барча пахта тайёрлов участкаларини қамраб олди. Кампанияни якунлаш муддати этиб 20 январь белгиланди. Тадбирларга умумий раҳбарлик қилиш учун шаҳар Совети раиси, молия бўлими мудир муовини ва пахта тайёрлов бўйича вакилликдан иборат учлик ташкил қилинди. 20 январга қадар 16 кишлоқ совети бўйича “кулоқ” хўжаликларни аниқлаш ишлари якунланди. Кампания давомида 76 та “кулоқ” хўжалиги аниқланди ва улар индивидуал тартибдаги кишлоқ хўжалик солиғи мажбуриятига киритилди.

Марғилон шаҳри бўйича 1930 йил ноябрь ойигача 235 та “кулоқ” хўжалиги аниқланган эди. 1931 йил март ойида шаҳар совети бўйича индивидуал солиққа тортилган кулоқ хўжаликларининг сони 728 тага етди. Улар барча деҳқон хўжаликларининг 4,8 фоизини ташкил қилди⁵.

Шаҳрихон туманининг 14 та кишлоқ совети бўйича 1929-1930 хўжалик йилида 216 хўжалик “кулоқ” хўжалиги сифатида қайд қилиниб, индивидуал солиқ мажбурияти юкланган. 1930-1931 хўжалик йилида туманда жамоалаштириш ва бу асосда “кулоқлар”ни тугатиш тадбирлари авж олдирилди. Тумандаги мавжуд 13207 деҳқон хўжалигининг 4175 таси колхозларга киритилди. Яна янгидан кулоқ хўжаликларини аниқлаш ўтказилиб ҳисоб

¹ Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. – С. 130.

² Эгамназаров А Сургун. (хужжатли қисса, очерклар ва мақолалар) - Т.: «Адолат», 1999. 73-бет.

³ Абдуллаев М.Ғ. Ўзбекистонда советларнинг “кулоқ” қилиш сиёсати ва унинг фожиаи оқибатлари (1929-1945 йиллар). Тарих фан. ном. илмий даражаси учун диссертация. – Андижон: 2002. 112-варақ.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиаи оқибатлари. – Т.: “Шарқ”, 2001. – Б. 128.

комиссияси томонидан 333 ”кулоқ” хўжалиги рўйхатга олинди ва индивидуал солиққа тортилди. 1931 йилда туман бўйича бундай хўжаликлар сони 549 тага етди¹.

Фарғона тумани пахта кооперациясининг маълумотиغا кўра туман худудида 1930-1931 хўжалик йилида 283 та ”кулоқ” ва 92 та бадавлат хўжалик рўйхатга олинган. Мазкур хўжаликларга 147680 сўмлик қишлоқ хўжалик солиғи ва бошқа тўловларни тўлаш мажбурияти юкланган.

Марҳамат тумани бўйича 1931 йил апрель ойига қадар 247 ”кулоқ” хўжалиги аниқланган. Бироқ улардан 71 тасигагина қаттиқ мажбурият юкланган холос. Улардан 9 нафари колхоз аъзоси, 31 та ”кулоқ” эса пахта экишдан воз кечган, қолган 131 нафари эса қочқинликда бўлган. Бу ҳолат юзасидан Марҳамат туман экин комиссияси ЎзССР ер ишлари халқ комиссарлигининг махсус кўрсатмаси юборилди. Унда тумандаги мавжуд «кулоқ» хўжаликлариға тегишли барча ер ва мулкларни зудлик билан мусодара қилиш ва колхозлар ихтиёриға ўтказиш зарурлиги айтилган эди.

1930-1931 хўжалик йилида Ўзбекистонда янгидан аниқланиб, индивидуал солиққа тортилган ”кулоқ” хўжаликлари сони 17104 тага етди ва булар барча деҳқон хўжаликларининг 2,30 фоизини ташкил қилди².

1931 йил март ойи охиридан Ўзбекистоннинг шимолий туманларида «кулоқ» хўжаликларини ички сургун қилиш ишлари бошланди. Хўжаликлар чекка туманларда ташкил қилинган махсус посёлкаларға кўчирилди. Посёлкаларға Ўртача 25-30 хўжалик жойлаштирилган. Уларға махсус ер участкалари ажратиб берилиб, зиммалариға мажбурият юкланган. Улар устидан махсус комендантлар тайинланиб, доимий назорат қилинганлар.

1931 йилнинг июнь ойидан эътиборан биринчи тоифадаги кулоқ хўжаликлари Украина ва Шимолий Кавказға сургун қилина бошланди.

1931 йилнинг 19 октябриға қадар Андижон тумани бўйича 844 та ”кулоқ” хўжалигининг мол-мулки мусодара қилиниб тугатилди. Улардан 232 хўжалик Украинанинг жанубий худудларига сургун қилинди. Тугатилган хўжаликлардан мусодара қилинган 677 та ҳовли-жой, 77 бош иш ҳайвони, 18 та сигир, 17 та тегирмон, кўп миқдорда қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари, 174 таноб боғ, 11012 таноб экинзор ва 319450 сўм пул тумандаги колхозларға берилди³. 1931 йилда биргина Каганович туманидан 56 хўжалик кулоқ қилиниб Украина ССР, Херсон округи Скадовский туманиға сургун қилинди.

”Кулоқ” хўжаликлариға қарши кураш авж олган сайин ўз навбатида жамоалаштириш ҳаракатиға ва унинг фаолларига қарши ҳаракатлар ҳам ўсиб борди. Ҳукумат одамларига суиқасд қилиш ҳоллари кўпайди. 1931 йил 29 июнда Риштон тумани Бешкапа қишлоғида жамоалаштириш фаолларидан бўлган Абдулла Файзиев ”кулоқ”лар томонидан ваҳшиёна суратда ўлдирилди. Файзиев ”кулоқ” хўжаликларни тугатишда ва колхозларни ”кулоқ”лардан тозалашда катта ташаббус ва фаолият кўрсатган эди. 1931 йил 4 июлида эса Оқер қишлоғида колхозчи мухбирлардан бўлган, ”кулоқ”ларни тугатишда фаол иштирок этган Олимов ҳам ”кулоқ” Собиров томонидан отиб ташланди. Бу каби ҳодисалар республиканинг бир қанча туманларида такрорланди.

Ўзбекистонда ”кулоқ” хўжаликларини тугатиш ва сургун қилиш 1932 йилда ва қисман бўлсада кейинги йилларда ҳам давом этди. Лекин бу даврда мазкур жараён оммавий тус олмай, кичик гуруҳларни кулоқ қилиш ҳолида амалға оширилди. Тугатилган хўжаликларнинг аксарияти Қозоғистон ва Шимолий Кавказға сургун қилинди.

1932 йил 12-13 май кунлари Андижон округи Балиқчи тумани сиёсий ҳайъати томонидан ”кулоқ” хўжаликларини тугатиш ва сургун қилиш операцияси ўтказилди. Тадбир давомида Чинободдан 14 хўжалик (81 киши), Балиқчидан 15 хўжалик (42 киши),

¹ Кўрсатилган асар. 129-бет.

² Трагедия советской деревни... Т.2. стр. 699.

³ Абдуллаев М.Ғ. Ўзбекистонда советларнинг ”кулоқ” қилиш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари (1929-1945 йиллар). Тарих фан. ном. илмий даражаси учун диссертация. – Андижон: 2002. 115-варақ.

Гулистондан 8 хўжалик (21 киши), Кўштепасаройдан 10 хўжалик (49 киши), Сизадан 12 хўжалик (44 киши), Эски Ҳаққулободдан 14 хўжалик (54 киши), Хўжаободдан 18 хўжалик (73 киши), жами туман бўйича 91 хўжалик (375 киши) тугатилиб сургун қилинди. Сургун қилинганларнинг 125 нафари эркалар, 98 таси аёллар, 150 таси болалар эди. Улар соқчилар ва кизил таёқчилар назоратида Ҳаққулобод комендатурасига келтирилиб, бир неча кун шу ерда ушлаб турилганларидан сўнг белгиланган ҳудудларга сургун қилинди. Сургун қилинганларнинг бутун мол-мулки колхозларга берилди¹.

Умуман, 1931 йил август ойидаги сургун қилиш операцияси натижасида Ўзбекистондан 3795 хўжалик (17839 киши) сургун қилинди². Фарғона водийси районларидан сургун қилиш динамикаси қуйидагича бўлди:

Андижон районида 210 хўжалик (817 киши); Марғилон районида 181 хўжалик (793 киши); Қува районида 52 хўжалик (225 киши); Наманган районида 277 хўжалик (1181 киши); Янгиқўрғон районида 130 хўжалик (670 киши); Шаҳрихон районида 100 хўжалик (493 киши); Асака районида 109 хўжалик (480 киши); Қўқон районида 69 хўжалик (266 киши); Ўзбекистон районида 224 хўжалик (376 киши); Бағдод районида 109 хўжалик (506 киши); Учкўприк районида 151 хўжалик (483 киши); Бешарик районида 119 хўжалик (526 киши); Чуст-Поп районида 79 хўжалик (482 киши); Норин районида 139 хўжалик (539 киши). Фарғона водийси районлари бўйича жами 1949 хўжалик (8343 киши) қулоқ сифатида Украина ва Шимолий Кавказга сургун қилинган³.

Шу тариқа Ўзбекистонда, хусусан Фарғона водийсида “қулоқларни синф сифатида тугатиш” амалиёти расман якунланди. Лекин деҳқонларни кичик гуруҳлар ҳолида сургун қилиш кейинги йилларда ҳам давом этди. Бошқа ўлкаларга сургун қилинган юртдошларимизнинг сургундаги тақдири жуда фожиали кечди.

3-боб. 1929-1932 йИЛЛАРДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ КОЛХОЗЛАРИНИНГ ТАШКИЛИШ-ХЎЖАЛИК ВА МОДДИЙ-ТЕХНИК АХВОЛИ

3.1. Фарғона водийси қишлоқларида совет ҳукуматининг колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш чора-тадбирлари

Ёппасига коллективлаштиришни ўтказишда бутун мамлакатда бўлганидек, Ўзбекистон ССРнинг барча округ ва районларида колхоз қурилишини жадаллаштиришнинг “иқтисодий” усулларидан ўзига хос тарзда фойдаланилди. Бу усуллар аслида якка хўжалик секторини иқтисодий жиҳатдан бўғиб қўйиш сиёсатидан иборат эди. Якка деҳқонлар учун қишлоқ хўжалик солиғи миқдори кескин кўпайтирилди, фақат уларнинг ўзидан олинадиган бир галги солиқлар ҳам жорий қилинди. Мажбурий тус олган давлат тайёрлов мажбуриятлари ҳажми ҳам тўхтовсиз ортиб борди.

¹ Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Т.: “Шарқ”, 2001. – Б. 128.

² Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Б. 215.

³ Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Б. 214.

Маъмурий тазйиқ, ошкора зўравонлик, қишлоқ меҳнаткашларини колхозларга “хайдаш”нинг иқтисодий террор усуллари расмий белгиланган “колхоз қурилиши” режаларини сезиларли равишда ошириб бажариш имконини берди. 1932 йилнинг охирига келиб умуман республикада ижтимоий сектор барча деҳқон хонадонларининг 81,7 фоизини бирлаштирган эди. 800 минг деҳқон хўжаликлари негизида 9734 та колхоз ва 94 та совхоз ташкил этилди¹.

Қулоқлар синфини тугатиш йўли билан омилкор деҳқонлар синфи тугатилди. Натижада коллективлаштириш жараёнида қўпол хатоларга йўл қўйилди. Бундан деҳқонларнинг бир қисми жабрландилар.

“Колхоз тузуми” мустақамланиб бораётган шароитда республиканинг сиёсий раҳбарияти “қулоқларни синф сифатида тугатиш” якунловчи босқичга кирди, деган хулосага келди. Шунинг учун ҳам колхозларни “ғоявий-ташкилий” жиҳатдан мустақамлашга катта эътибор берилди бошланди. ЎзКП(б) МК партия органлари йўл-йўриқларига таяниб, жамоатчилик онгига “бой ва қулоқлар” ошкора жангда мағлубиятга учраб, ўз тактикаларини ўзгартирдилар, эндиликда улар “колхозларга, совет аппаратида ва хатто партияга яширин қўпоровчилик иши олиб бориш учун суқилиб киришга уринмоқдалар”, деган фикрни зўр бериб сингдира бошладилар.

Эндиликда партия ташкилотлари колхозларга суқилиб кириб олган “душман ва синфий жиҳатдан ёт унсурлардан” тозалаш борасида зўр куч-ғайрат сарфлай бошладилар. Мазкур ҳаракат қишлоқ хўжалик артелларини хўжалик жиҳатдан мустақамлаш учун кураш воситаси деб ҳисобланди.

“Тозалаш” стратегиясининг муҳим таркибий қисми колхозларни бадавлат қатламлардан чиққанлар, савдогарлар, диндорлардан тозалаш эди. 1932 йилда ўтказилган “тозалаш” кампанияси жараёнида республика колхозларидан 3550 “қулоқ” хайдаб чиқарилди, улардан 306 нафари колхозларнинг раислари, 756 нафари бошқарув аъзолари, 425 нафари бошқарув котиблари эди².

Машина-трактор станцияларининг (МТС) сиёсий бўлимлари колхозларни “мустақамлаш”нинг самарали воситаси бўлиб, улар 1933-1934 йилларда партиянинг қишлоқдаги фавқуллодда органи сифатида фаолият кўрсатди. МТС ва совхозлар қошида сиёсий бўлимлар тузиш ҳақидаги қарор ВКП(б) Марказий Комитетининг 1933 йил январь пленумида қабул қилинган эди. Пленум қарорларида “МТС ва совхоз сиёсий бўлимлари бир томондан, колхоз ва совхозларда оммавий-сиёсий ишларни кўпайтириб, иккинчи томондан, колхоз ва совхозларни ташкилий-хўжадик жиҳатдан мукстақамлаб, колхоз ва совхозлар олдида қўйилган вазифаларни, яъни экин мафйдонларининг ҳосилини ошириш, чорва молларини парвариш қилиш, кузги ва баҳорги экин ишларини ўз вақтида ўтказиш, ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териш олишни уюштириш, колозчиларнинг ва совхозларнинг давлат олдидаги барча мажбуриятларини муддатидан кечиктирмай бажаришларини амалга ошириш вазифаларини ҳал қилиш соҳасида МТС ва совхозлар олиб бораётган хўжалик-техника ишларига ёрдам беришлари керак”³, дейилган эди.

Лекин амалда сиёсий бўлимлар бошқача фаолиятга йўналтирилди. МТСларнинг сиёсий бўлимлари Марказ раҳбариятининг йўлини амалга ошириб бориб, кенг миқёсли жазолаш ҳаракатларини амалга оширдилар. Улар фаолиятининг фақат биринчи йилидаёқ колхозлардан 7700 киши чиқариб ташланди. Хужжатли маълумотларга қараганда, 1930-1933 йиллар даврида колхозларга, ўша вақтларда айтилишича, “суқилиб кириб олган” қулоқлар ва “ёт унсурлар”дан 30 мингдан ортиқ киши хайдаб чиқарилган. Улардан аксарият қисми бир қолипда “коллективлаштиришга қарши фаол чиқишлари учун” деган айблаш бўйича қатағон қилинган⁴.

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – 354-бет.

² Алламурадов Д. Совети в борьбе за победу социализма в Узбекистане (1924-1937 гг.) – Т.: 1970. – С. 166.

³ Ўзбекистон ССР тарихи. Учинчи том. Бош муҳаррир И.М. Мўминов. – Т.: “Фан”, 1971. 617-бет.

⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – 355-бет.

1933-1934 йилларда Ўзбекистонда МТСлар қошида 70 та ва совхозлар қошида 30 та сиёсий бўлимлар ташкил қилинган эди. ВКП(б) Марказий Комитети сиёсий бўлимларда ишлаш учун Россия Федерацияси ва Украинадан 500 дан кўпроқ коммунистларни Ўзбекистонга юборди. Республикадаги дастлабки машина-трактор станцияси 1929 йилда Асака районида ташкил қилинган эди. 1931 йилга келиб МТСлар 48 та районда ташкил қилинди. Улардан 18 таси Фарғона ва Андижон округи районларида эди. 1937 йилга келиб республикадаги МТСлар сони 163 тага, 1940 йилда эса 189 тага етади¹.

Сиёсий бўлимлар айна пайтда колхоз ишлаб чиқариши учун кадрлар етиштиришда, айниқса механизаторлар ва тракторчилар тайёрлашда маълум ишларни амалга оширдилар. МТСлар қошидаги қисқа муддатли курслар қишлоқ аҳолиси орасидан тракторчилар тайёрлар эди. Бундан ташқари 1934 йил январь-февраль ойларида республикадаги МТС сиёсий бўлимлари қошида колхоз партия ячейкалари секретарлари, хотин-қизлар билан ишловчи ходимлар, бригадирлар, суғорувчилар тайёрлайдиган курслар ташкил қилинган. Жумладан, 1933/1934 хўжалик йилида Фарғона округининг 7 та районидаги МТСларда 72 нафар эрак ва аёллар тракторчилик ва механизаторлик курсини тамомлаганлар².

1933 йилда Ўзбекистон ССРда 22 та сиёсий бўлимлардаги 3 мингдан зиёдроқ киши раҳбарлик вазифаларига кўтарилди, икки йил ичида қисқа муддатли курсларда 20 мингдан ортиқ тракторчилар, хайдовчилар ва 1000 га яқин механиклар тайёрланди³. Умуман, сиёсий бўлимлар республика машина-трактор станцияларини ташкилий ва сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаб, уларнинг қишлоқдаги ролини оширди.

Андижон округига қарашли Норин районида 1933 йилга келиб жами 112 та майда артеллар ташкил қилинди. Биргина Қуйилтепа ҳудудида 8 та, Катта Жайдоқда 8 та, Тўда қишлоғида 6 та, Норинкапада 11 та артел тузилган. Шу билан бирга коллективлаштириш даврида ҳам артелга киришдан бош тортиб, ҳали ҳам иккиланиб турган яқка хўжаликлар анчагина эди. Худди шундай мураккаб бир шароитда совет тузумига қаршилар, янада кенг кўламда тарғибот ишларини олиб боришди. Коллективлаштиришга қарши “миш-миш” ва антиташвиқот қуйидагича эди: “Ҳамма қирқ қулоқлик бир қозондан овқат ейди, қирқ газлик кўрпада ётади. Оқёғ ҳаром, сени колхоз ҳаром билан боқади” каби уйдирмалардан иборат бўлган.

Бу гапларга ишонган баъзи содда деҳқонлар артелдан чиқиб кетишга урунишди. Артелга қўшган от-араваларни талаб қилиб, оёқ тираб туриб олишди. Жамоатчилик ўртасида артелга ёзилмаганларни макташ, жамоага аъзо бўлганларни эса тезда “чоҳ” дан чиқиб кетишга ундаш авж олиб кетди. Баъзан отхонадаги отларни бўғизлаб кетишар, гоҳ далада тракторларни ишдан чиқаришарди. Бари бир қишлоқда янги тузум ғолиб келиб, 1935 йилда батамом колхозлашиб бўлди. Газеталар, ҳукумат раҳбарлари олиб борган колхоз тизимини афзалликлари ҳақидаги ташвиқотлар ўз натижасини бера бошлади. 1940 йилга келиб Норин туманидаги майда колхозлар 64 тага йириклаштирилди. 1926 йилда 6524 тонна пахта етиштирилган бўлса, 1940 йилда - 1245 тонна, дон – 2 баробар, сабзавот - 2,3 баробар, полиз - 1,9 баробарга кўтарилди.⁴

Республикада ташкил этилган колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлашда ва колхозчилар сиёсий онгини “ўстириш”да маҳаллий партия органларининг фаолияти янада кучайтирилди. 1933-1934 йилларда территориал асосда тузилган қишлоқ партия ячейкалари колхоз ячейкаларига айлантирилди. Сиёсий бўлимлар партия район комитетларига колхозларда партия ячейкалари ва кандидат группалари тузишда ёрдам кўрсата бошлади. 1934 йилда 1769 колхоз ячейкалари ва кандидат группалари ташкил этилди. Бу бўлимлар қишлоқда сиёсий ишларни ривожлантиришда, партия сафларини мустаҳкамлашда катта ишларни олиб борди.

¹ Ризаев Г. Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет. – Т.: 1957. – С. 133-134.

² Фарғона вилоят давлат архиви 263-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 117-варақ.

³ Сельское хозяйство Узбекистана за 15 лет. 1924-1939 гг., Статистический сборник. – Т.: Сельхозгиз УзССР, 1939. – С. 87-88.

⁴ Мирзобоев М., Абдумажидов Р. Норин Т.: “Фан”, 2006. 41-бет.

Колхоз қурилиши суръатларини сунъий равишда авж олдириш, колхозларни “социалистик асосда мустаҳкамлаш”, кўп сонли одамларнинг қурбон бўлишига, уларнинг бегуноҳ қони тўкилишига сабаб бўлди. Оқибатда республикада фақат бир хил шаклдаги колхоз тузуми қарор топди. Бироқ сталинча маъмурият “ўзбек қишлоғининг социалистик асосда қайта тузилиши” ҳаракатидан хурсанд бўлмади, қишлоқ жойларида “синфий душман” билан кураш кўламидан кўнгли тўлмади. 1934 йил октябрь ойида Москвадан Ўзбекистонга ВКП(б) Марказий Комитетининг В.В. Куйбишев ва Н.К. Антипов бошчилигидаги махсус бригадаси келади. Бригада олдида республикани бу ерда ўтказилаётган сиёсатдан норози кишилардан қайтғиян тозалаш вазифаси қўйилган эди. Бригада “зарбдорчасига” ишлади. 1934 йил ноябрь-декабрь ойларида колхозларда 1303 қулоқ, 493 савдогар, 199 руҳоний, 40 собиқ амир амалдори – умуман 2 мингдан ортиқ “душман унсурлар” аниқланиб, турмалар ва лагерларга юборилди¹.

Умуман, 1937 йилга келиб “колхозга қарши қайфиятда бўлганлик учун”, “қарзларни тўламаганлик учун”, “қулоқларга мансублиги учун” коллективлаштиришнинг аввалги йилларини ҳам ҳисобга олганда 60 мингдан ортиқ киши қатағонга учради².

Марказнинг Ўзбекистон ССР ҳукуматига тазйиқ ўтказишининг кучайиши, “қулоқ қилиш” йўлининг фаол тус олиши, якка деҳқон хўжаликларига маъмурий-иқтисодий сиқувнинг қаттиқлашуви уларни колхозларга мажбурий равишда жалб қилиш суръатларини кескин оширишга ёрдам берди. Масалан, 1937 йилда деҳқон хўжаликларини коллективлаштириш даражаси 95 фоизга етган бўлса, 1939 йилда бу кўрсаткич 99,2 фоизни ташкил қилди³.

Ўзбекистонда, хусусан, Фарғона водийсида якка деҳқон хўжаликларининг тамоман тугатилиши ва колхозлар йирик умумлашган ишлаб чиқаришнинг ягона шакли сифатида қарор топиши совет ҳокимиятининг “колхоздан олдинги қишлоқ”ни социалистик ўзгартириш борасидаги сиёсатининг тантанаси деб баҳоланди. Аслида эса совет давлатининг бу сиёсати қишлоқдаги бозор муносабатларининг барбод бўлишига, мулкчиликнинг хилма-хил шакллари тугатилишига, охир-оқибатда аграр ишлаб чиқаришнинг издан чиқишига олиб келди.

Умуман, қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш ўзбек қишлоғи тарихий ривожланишининг соғлом жараёнларига тўсқинлик қилди. У деҳқонларнинг давлат томонидан асоратга солинишига олиб келди. Колхозларга зўрлик билан хайдаб қирилган деҳқонлар барча асосий фуқаролик ҳуқуқларидан ва аввало кўчиб юриш эркинлиги, касб фаолиятини танлаш ҳуқуқларидан маҳрум қилиндилар. Колхозчиларнинг колхозлардан қочиш кетишини олдини олиш учун партия юқори органлари колхозчиларга паспорт беришни таъқиқлаб қўйди. Колхозчиларнинг колхозлардан ўз ихтиёрлари билан чиқишлари ҳам таъқиқлаб қўйилди.

Энг ёмони қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш қишлоқ хўжалигига жуда катта талофат етказди. Коллективлаштиришнинг иқтисодий оқибати ўлароқ 1933 йилда Ўзбекистонда ҳам очарчилик бошланди. Очарчилик Фарғона водийси қишлоқларида ҳам ўзининг фожиали изини қолдирди. Республиканинг барча ҳудудларида ғалла етиштириш кескин қисқарди, чорвачилик катта талофат кўрди. Коллективлаштириш йилларида жуда кўплаб чорва ҳайвонлари йўқ қилиб юборилган эди. Фарғона водийси қишлоқ хўжалигида асосий ишлар – яъни экинзорларни хайдаш ва шудгор қилиш асосан от ва хўкизлар ёрдамида бажарилад эди. Чорва ҳайвонларининг кескин қисқариб кетганлиги 1932-1933 йилларда колхозда жуда катта муаммоларни келтириб чиқарди. Чунки, иш ҳайвонлари етишмас, ҳайдов тракторлари хали ўзбек қишлоғига талаб даражасида келтирилмаган эди. Бу эса ўз навбатида кўпгина ерларнинг экин экилмай қолишига сабаб бўлди.

¹ Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения 1917-1937 гг. – Т.: “Фан”, 1992. – С. 136.

² Аминова Р.Х. Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане. –Т.: Фан, 1995. – С. 49.

³ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет муштамлақчилиги даврида. – Б. 356.

Фарғона водийси қишлоқ хўжалиги коллективлаштиришдан кейинги йилларда жадаллик билан пахтачиликка ихтисослаштирилиб борди. Пахта яккахокимлиги зўрлик билан оммалаштирилди. Марказнинг тазйиқи билан 1933 йилдаёқ пахта республика тайёрлаб берадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари умумий ҳажмининг 81,5 фоизини ташкил этди. 1937 йилга келиб бу кўрсаткич 93,4 фоизга кўтарилди.

ЎзКП(б)нинг 1934 йил январь ойида бўлиб ўтган VI съезди резолюцияларида “қишлоқ хўжалигида партия ташкилотининг асосий ва ҳал қилувчи вазифаси СССР пахта мустақиллигини мустаҳкамлашдир” деб алоҳида таъкидланди. Шунингдек, съезд резолюциясида “пахтачиликни янада ривожлантириш, ҳосилдорликни ошириш ва янги ерларни очишда энг муҳим омиллардан бири пахтачиликка механизацияни жорий қилишдир. Пахтачиликни механизациялаш ҳосилдорликни ошириб, колхозчининг меҳнатини енгиллаштиради ва уни индустриал меҳнат турларидан бирига айлантиради”¹ дейилган эди. Республика партия ва совет ташкилотлари съезднинг ушбу кўрсатмаларидан келиб чиқиб колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш, колхоз кадрлари етиштириш, меҳнат ташкилотини яхшилаш, қишлоқ аҳолиси ўртасида саводсизликни тугатиш, хотин-қизларни колхоз, совхоз ва МТС ишларига тортиш, қишлоқда партиявий-сиёсий ва ташкилий ишларни кучайтириш борасида катта ишларни амалга оширди.

Айни вақтда қишлоқ меҳнаткашлари ҳақиқатда давалт ижтимоий таъминоти соҳасидан бебаҳра қолдилар. Хусусан, жамоа хўжаликлари тўлаб бўлмас солиқлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришдан ташқари ижтимоий масалаларни ўзлари мустақил ҳал этишлари, мактаблар, даволаш муассасаларини барпо этиб уларни таъминлашлари, уй-жой қурилишини авж олдиришлари лозим эди.

Бундай шароитда қишлоқ аҳолиси фақат ўзининг ёрдамчи хўжаликларига умид қилиши мумкин эди. Бироқ бу соҳада ҳам сон-саноксиз тўсиқлар бор эди. Ҳар бир туп дарахт, чорва моли, паррандага номутаносиб солиқлар солинганди. Мол боқиладиган яйловлар қатъий чекланган эди. Бунинг устига 1935 йилгача яъни, қишлоқ хўжалик артели низоми қабул қилинишига қадар шахсий ёрдамчи хўжалик қишлоқ ахлининг хусусий мулкчилик ҳис-тўғуларини қарор топтиришнинг моддий асоси деб қараларди. Шу сабабли қишлоқ меҳнаткашларига ёрдамчи томорқа ерлари ажратиш рағбатлантирилмасди.

Буларнинг барчаси, табиийки, умуман мамлакат деҳқонлари, хусусан ўзбек деҳқонлари турмуш даражасининг ҳалокадли тарзда пасайиб кетишига сабаб бўлди. Уларнинг аҳволи қандай бўлганлиги хусусида ўша йиллари партия-совет идораларига юборилиб турган сон-саноксиз ташвишли хаиларга қараб хулоса чиқариш мумкин.

1935 йил февраль ойида жорий этилган янги қишлоқ хўжалик низоми колхозчиларга ёрдамчи хўжаликка эга бўлишга руҳсат этди. Шунга қарамасдан Ўзбекистонда ажратиладиган ер участкаси миқдори марказий минтақаларга нисбатан икки баробар камроқ эди. Айниқса, аҳоли жуда қалин жойлашган Фарғона водийси қишлоқларида шахсий томорқа участкалари жуда ҳам кичкина эди. Бунинг устига, кўпгина колхозчиларга ер участкаси ажратиб берилмаган эди. Масалан, 1937 йилда республикадаги 66 минг колхозчи хонадони (28,37 фоиз) томорқа участкасига эга эмасди, 140 минг хонадоннинг ери белгиланган энг оз меърдан ҳам камроқ эди².

Бироқ марказлик большевик амалдорлари ҳатто шундай чекланган миқдордаги бир парча ер, шахсий ховли жой қишлоқнинг меҳнат захираларини жамоат ишлаб чиқаришидан ёки, бошқача қилиб айтганда давлатга текин ишлаб беришдан чалғитиши мумкин деб чўчир эдилар. Шунинг учун ҳам орадан кўп ўтмай юқори партия раҳбарияти колхозчиларнинг жамоат ва шахсий манфаатлари нотўғри уйғунлаштириб борилмоқда,

¹ Ўзбекистон Коммунистик партияси съездларининг резолюция ва қарорлари. – Т.: Госиздат УзССР, 1957. 280-бет.

² Ризаев Г. Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет. – Т.: 1957. – С. 128.

деган шиор ниқоби остида Низом қишлоқ меҳнаткашларига томорқа участкалари ажратиб берилишига доир муҳим қоидаларни тафтиш қилишга уринди. Мазкур йўл ВКП(Б) МК ва СССР ХКСнинг 1939 йил 27 майдаги “Колхозларнинг жамоа ерларини талон-тарож қилишдан сақлаш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорида ўз ифодасини топди. Унда кўпгина жамоа хўжаликларида томорқа участкаси амалда хусусий мулкка айлантириб юборилаётгани кўрсатиб ўтилган эди. Шу муносабат билан хусусий мулкчилик ҳиссиётларига қарши курашни кучайтириш тавсия этилди. Кундалик ҳаётда эса мазкур тавсиялар деҳқонларнинг томорқа участкаларига янгидан ҳужум қилишга айлантириб юборилди.

Хуллас, ёппасига коллективлаштиришдан кейин Фарғона водийси қишлоқларида совет давлатининг олиб борган аграр сиёсати қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг мустамлакачилик йўналишини кучайтиришга, унинг бир томонлама, пахтачилик хомашёси соҳаси бўйича ривожланишига таъсир кўрсатди. Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг мустаҳкамланиши фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш борасида давлат монополиясини кучайтириб қолмасдан, шу билан бирга пахта яккахокимлигининг ёппасига авж олишига ҳам олиб келди.

3.2. Колхозларнинг моддий-техник аҳволи

Ўзбекистонда социалистик қурилишнинг иккинчи беш йиллиги (1933-1937) даврида колхозларнинг аҳволи бирмунча яхшиланди, улар раҳбар ходимлар ва қишлоқ хўжалик мутахассислари билан мустаҳкамлана бошлади.

Иккинчи беш йилликнинг бошларида мамлакат қишлоқ хўжалигини техника жиҳатидан реконструкция қилишда маълум ютуқларга ҳам эришилди. Бироқ дастлабки вақтларда коллективлаштириш ишлари янги тузилган колхозларни техника билан таъминлаш ишларидан тезроқ суръатларда олиб борилди. Мамлакатда эндигина қурилиб бўлинган ва қурилатган қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводлари колхоз ишлаб чиқаришининг техникага бўлган талабини тўла қондира олмас эди. Шу сабабли миллий республикалардаги, хусусан, Ўзбекистондаги кўпгина колхозлар хануз аввалги деҳқончилик воситаларини от ёки хўкиз кўшиб кўл кучи билан ишлатардилар. Гарчи шу йўл билан меҳнат унумини бирмунча оширишга муваффақ бўлинган бўлса ҳам, колхоз ишлаб чиқариши коллективлаштиришдан аввалги ҳосилдорликни таъминлай олмаган эди. Шу муносабат билан иккинчи беш йиллик даврида партия ва ҳукуматнинг тадбирларидан бири – қишлоқ хўжалигини реконструкция қилишни тугаллаш учун қишлоқни янги техника билан тобора кўпроқ таъминлаш эди. Иккинчи беш йиллик даврида Ўзбекистонда машина –трактор станциялари сони анча кўпайди. 1934 йилда 15 та, 1935 йилда 25 та, 1936 йилда 26 та, 1937 йилда 25 та янги МТСлар ташкил қилинди. 1935 йилда МТСларда 12,3 минг, 1936 йилда 14,6 минг трактор бўлган бўлса, 1937 йилда 175 та МТСда 18,3 минг трактор, мингдан ортиқ комбайн, 6000 чигит экиш машинаси, 10 минг культиватор ва шу каби машиналар мавжуд эди¹.

МТСлардаги тракторларнинг қуввати беш йиллик ичида 6 мартадан ҳам кўпроққа ошиб кетди. Трактор плуглари, диски трактор молалари, трактор сеялкалари, культиваторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари кенг ишлатиладиган бўлди.

1937 йилда трактор билан бажариладиган ишларнинг салмоғи қуйидагича эди: чигит экишдан олдин ерни хайдаш – 96,6 фоиз, чигит экиш – 42,2 фоиз, культивация қилиш – 39,4 фоиз².

Колхозларни янги техника билан таъминлаш колхоз ерларини кенгайтириш вазифасини ўртага қўйди. Бу вазифа коллективлаштиришни тугаллаш жараёни билан биргаликда ҳал қилинди. Натижада бир колхозда 1933 йилда 67 та хонадон бўлган бўлса,

¹ Ўзбекистон ССР тарихи. Учинчи том. 621-бет.

² Давидов А.М. Аграрные преобразования и формирования социалистического землепользования в Узбекской ССР. – Т.: Наука, 1965. – С. 154.

1937 йилда 912 тага етди. Экин майдони эса 106 гектардан 300 гектарга ва ундан ҳам ошиб кетди¹.

Қишлоқ хўжалигини машиналаштириш натижасида мутахассис-кадрлар, айниқса, маҳаллий мутахассислар – тракторчилар, комбайнчилар, электромеханиклар сони кўпайди.

1933 йилдан 1937 йилгача республика МТСларида трактор бригада бошлиқларининг сони 443 дан 3182 тага, трактор хайдовчилар сони 6372 дан 23200 га, комбайнчилар сони 24 дан 413 тага, шофёрлар сони 282 дан 974 тага етди. Булар асосан шаҳарлардан келган ишчилар эди. Лекин орадан кўп вақт ўтмай уларнинг атрофида колхозчи-фаоллар етишиб чиқди. Қизил армия хизматидан бўшаб келган, илгари заводда слесар бўлиб ишлаган Пахтаобод МТСнинг бригада механиги Мирошниченко қишлоқ ёшларидан бир гуруҳини илғор тракторчилар ва механиклар қилиб етиштирди. Булар 1936 йилда трактор бригадаларига ўзлари мустақил раҳбарлик қилдилар. Фарғона МТСнинг механиги Тешабой Солиев бир бригада аъзоларини ўқитиб механизатор қилиб етиштирди. Шу МТСда ишлаб донг чиқарган тракторчи Турғуноҳунов колхозчи аёллардан Жаннатхонга ўз хунарини ўргатди. У илғор тракторчи бўлиб етишди².

Лекин Фарғона водийси қишлоқ хўжалиги учун колхозларнинг техник таъминоти оғир муаммолигича қолаверган эди. Асосий қишлоқ хўжалик ишларининг механизациялашуви паст даражада қолган эди. 1933 йилнинг ўрталарида Фарғона округидаги фақат 2,1 фоиз колхозлар етарли даражадаги техник воситаларига эга эди, холос. Асосий ишлар асосан қўлда бажарилаётган эди³. Мавжуд МТСларнинг фаолияти жуда оз самарали ва ҳатто зарарли эди. МТСлар тракторчилар ва механикларнинг маоши жуда озлиги жиҳатидан ҳам қийин аҳволда эди. Аксарият ҳолларда уларга колхозларда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан натура сифатида маош тўланар эди.

Фарғона водийси қишлоқларига мураккаб қишлоқ хўжалик техникаларининг кириб келиши аввало малакали мутахассисларга катта эҳтиёж туғдирди. Лекин маҳаллий қишлоқ аҳолиси орасидан бундай мутахассислар тайёрлаш жараёни жуда суст борди. МТСлар қошида очилган қисқа муддатли курслар эса зарур моддий базаларсиз фаолият кўрсатар эди. Бу курсларга зарур бинолар ва мутахассис-муаллимлар етишмас эди.

Иккинчи беш йиллик даврида қишлоқ хўжалигини моддий ишлаб чиқариш базаси кенгая бошлади. 1934-1937 йилларда ирригация қурилишлари натижасида суғориладиган ерлар майдони 246, 4 минг гектарга кўпайди.

1935 йил февралда бўлиб ўтган II Бутуниттифок зарбдор колхозчилар съездида қабул қилинган қишлоқ хўжалик артелининг намуна устави колхозчиларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан янада мустақамлашда катта аҳамиятга эга бўлди. Қишлоқ хўжалик артелининг устави колхоз ҳаётининг бузилмас қонуни бўлиб қолди⁴.

Коммунистик партия колхозлар ички тузилишининг шундай принцип ва усуллари ишлаб чиқдики, булар колхозлар оммасининг коллектив хўжалик учун бор қуввати билан ишлашларига мажбур қилиб қўйди. Бу жараён ўша давр таъбирига кўра “колхозчиларни социалистик асосда қайта тарбиялаш” деб аталди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари қишлоқ хўжалик артелининг Намуна Низомини маъқуллашга мажбур бўлди. Айни вақтда бу Намуна Низом қабул қилинганидан кейин ва Низомни муҳофаза қилиш даврида 75 минг яққоҳол деҳқон хўжаликлари колхозларга киритилди.

СССР Меҳнат ва Мудофаа Советининг 1934 йилдаги “Тайёрланадиган пахта нархини ошириш ҳақида”ги, СССР Халқ Комиссарлари Совети ва ВКП(б) Марказий

¹ Аминова Р.Х. Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане. –Т.: Фан, 1995. – С. 112-113.

² Ўзбекистон ССР тарихи. Учинчи том. 621 – 622-бетлар.

³ Фарғона вилоят давлат архиви, 263-фонд, 1-рўйхат, 15-иш, 234-варақ.

⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Б. 357-бет.

Комитетининг 1935 йилдаги “Чигитли пахтани контракция қилишда янги системани жорий қилиш ҳақида” чиқарилган қарорлари асосан Ўзбекистон ССРда пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган эди. Бу қарорлар Ўзбекистонда пахта яккахокимлигининг қарор топишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу қарорлар орқали ўзбек деҳқонлари моддий томондан пахта етиштиришга рағбатлантирилди. Чунончи, 1938 йилда бутун иттифокда ҳамма колхозчиларнинг олган 14,2 миллиард сўм даромадидан 600 миллион сўми илғор колхозчиларга мукофот тариқасида берилган эди¹.

Ишчилар синфи ҳам қишлоқ хўжалигига тобора жалб қилиб борилди. Бу тадбир ҳам қишлоқ хўжалигини реконструкция қилишни тугаллашда катта роль ўйнади. Иккинчи беш йилликда оталиққа олиш ишлари ҳам анча кенгайди. Ишчилар ўнлаб совхоз ва юзлаб колхозларни оталиққа олдилар. Масалан, 1935 йилда Тошкент 150, Самарқанд 62, Фарғона 45 колхозни оталиққа олди ва ҳоказо.

Айни вақтда колхозчи кадрлар тайёрлашда ҳам ишчилар маълум ишлар олиб бордилар. 1933 йилда Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Бухоро каби оталик ташкилотлари махсус курслар очиб, 2170 нафар бригадир, хисобчи, тракторчи, саводсизликни тугатиш бўйича мутахассислар ва шу кабиларни тайёрлаб берди. 1933-1935 йилларда Тошкент, Самарқанд ва Бухородан 1270 киши қишлоқларга партия ишларига юборилган эди. Ишчилар синфи колхозчилик ҳаракатида фаол қатнашиб, деҳқонларни коллективизм руҳида тарбияланишида катта ишларни амалга оширдилар².

Компартия ва совет давлати ўз ғояларида ишчилар синфи билан колхозчилар муштараклигини мадҳ этиб, улар ўртасидаги ҳамкорликка катта аҳамият берди. Илғор колхозчилар, ишчилар синфига тенглашишга, улардан ўрнатилишга интилиб, ўзаро социалистик мусобақа ҳаракатини ривожлантирдилар. Колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари ҳаракати вужудга келди. Механизаторлар орасида пахта далаларига тезкорлик билан ишлов берувчи зарбдор тракторчилар ҳаракати кенг ёйила бошлади. Бу тадбирлар ўз самарасини ҳам бера бошлади. Юзлаб бригадалар фидокорона меҳнат қилиб, пахтадан юқори ҳосил ола бошладилар. Наманган районидаги В.И. Ленин номли, Қўқон раёнидаги Иваново-Вознесенский номли ва бошқа колхозлар ҳар бир гектар ердан 30 центнер ва ундан ҳам ошириб пахта ҳосили олдилар.

Айниқса бу йилларда Фарғона водийси пахтакорлари ўртасида ўттизцентнерчилар ҳаракати авж олди. Бу ҳаракат бутун республикада кенг тарғиб қилинди ва натижада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш юзасидан тузилган иккинчи беш йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақа кенг авж олдирилди. Натижада 1936 йилда пахтадан шундай ҳосил олиндики, бу Америка Қўшма Штатларидаги энг юқори ҳосилдан ҳам ошиб кетди.

Колхоз тузуми ривожлантирилаётган бу йилларда Андижон округи Ленин районида звено бошлиғи Файзулла Юнусов сингари илғор пахтакорлар етишиб чиқди. Унинг олтига аёлдан иборат звеноси 1936 йили 2,75 гектар ернинг ҳар гектаридан 57 центнердан пахта ҳосили олди, холбуки, колхозда ўртача ҳисоб билан ҳар бир гектардан 2,27 центнердан пахта ҳосили олинган эди. Район бўйича эса ўртача ҳосил 16,5 центнерни ташкил этди. Шу райондан Қайум Хакимовнинг звеноси 4 гектар участкасининг ҳар бир гектаридан 60 центнердан пахта етиштирди. Сорахон Жиянованинг звеноси ҳар бир гектар ердан 59 центнердан планга нисбатан 350 процентдан пахта топшириб, кўрак йиғишга киришди ва давлатга қўшимча равишда ҳар бир гектар ер ҳисобидан 5-6 центнердан пахта топширди³.

1935 йилда кундалик нормани ошириб бажариш ва пахтани икки қўл билан теришда Наманган райони колхозчиларидан Тожиҳон Тўраеванинг номи бутун иттифокқа

¹ Ризаев Г. Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет. – Т.: 1957. – С. 137.

² Ўзбекистон ССР тарихи. Учинчи том. 623-бет.

³ Аминова Р.Х. Победа колхозного строя в Узбекистане (1933-1941гг.) –Т.: Фан, 1981. – С. 204.

ёйилди. Унинг звеносидаги қизлар бир кунда камида 125-130 килограммдан, Тожихоннинг ўз 150 килограммга етказиб пахта терди.

Қишлоқ хўжалик механизаторлари МТС ходимлари ҳам пахтачилик илғорлари ҳаракатига қўшилиб, планларини ошириб бажардилар. Фарғона округи Поп МТСида Мели Йўлдошев бригадаси ер ҳайдаш нормасини 33 фоизга ошириб бажарди. Ер ҳайдаш сифатини яхшилаб, ёқилғини ҳам тежади. Айрим тракторчилар кунлик нормани 180 фоизга етказиб бажардилар. Андижон округидаги Қипчоқ МТСда ҳамма тракторчи ва слесарлар бригадалари план топшириғини 118-120 фоиз қилиб бажардилар. Наманган МТС ишчилари НИХИнинг таянч пункти билан биргаликда колхозларда лабораториялар ташкил қилиб, тажрибали раҳбар кадрлар тайёрладилар. Наманган МТС ишчиларининг ташаббусидан бошқа районлар ҳам ўрнатқилиб, лабораториялар ташкил қилдилар. Лабораториялар пахтачиликка илғор агротехникани жори қилишда кўп жиҳатдан ёрдам берди. СССР Халқ Комиссарлари Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг 1935 йил 15 сентябрда “Фарғона водийсида пахтачиликни ривожлантириш ва уруғлик беда етиштириш чоралари ҳақида” чиқарган қарори пахта ҳосилдорлигини оширишда муҳим босқич бўлди¹.

Партия ва ҳукумат Фарғона водийсидаги колхозчи ва якка хўжаликларни қишлоқ хўжалик ўзаро солиғи, маданий йиғимлар ва давлат суғуртаси, гўшт тайёрлаш ва ғалла етказиб бериш боқимандалари тўлашдан озод қилди. Қишлоқ хўжалик банкидан олинган қарзлар, МТС қарзлари ва пахта тайёрлаш комитетидан олинган бўнак пулларни тўлаш муддатини узайтирди. 1936 йилда чиғириқ билан суғориладиган 22500 гектар экин майдонини машина билан суғориш юзасидан чоралар белгиланди ва бу ишлар учун нефть билан ишлайдиган 300 двигатель ажратилди².

Партия ва ҳукуматнинг колхозчилар модидй аҳволини яхшилаш учун қилаётган ғамхўрлигига жавобан республика қишлоқ хўжалигида пахта ҳосилни ошириш учун халқ ҳаракати бошланиб кетди. Бу ҳаракатни бошлаб берганлар учун курашган ўттизцентнерчилар бўлди. Андижон районидаги Дзержинский номли колхоз бу ҳаракатда ташаббускорлик кўрсатди. Натижада кўп колхозлар мўл ҳосил олдилар. 1935 йилда илғор қишлоқ хўжалик артеллари: Андижон районидаги Маркс ва Охунбобоев, Ленин районидаги К. Маркс, Уйчи районидаги Ворошилов, Избоскан районидаги Будённый ва бошқа колхозлар ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил олиш учун мусобақани бошлаб юбордилар. Республиканинг кўп районлари улардан ўрнатқилиб олдилар. 1935 йилда пахта ҳосилдорлиги гектаридан 11,7 центнерга етди. Яъни 1933 йилдаги ҳосил даражасидан 26, 1934 йилдагидан 40,2 фоизга кўпайди. 1936 йилда колхоз ва совхозларда ўртача пахта ҳосилдорлиги 16,4 центнерга, ялпи пахта ҳосили 1524,5 минг тоннага етди³.

Республика раҳбарияти имкони борица ялпи пахтачиликни авж олдиришдан иборат ҳалокатли жараёни тўхтатиб қолишга уриниб кўрди. Улар пахта билан бир қаторда ғалла экиш, сабзавот етиштириш, чорвачиликни юксалтириш учун мустаҳкам ем-ҳашак базасини яратиш каби оқилона таклифларни кўйди. Бироқ Кремлдаги сиёсий раҳбарият “жойлар”дан бўлган таклифларга қулоқ солишни истамади. Сталин пахта мустақиллигига эришиш шиори остида республикани пахта яккахокимлигига фаоллик билан мажбур этди. Унинг тазйиқи билан 1933 йилдаёқ пахта республика тайёрлаб берадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари умумий ҳажмининг 81,5 фоизини ташкил этди⁴.

Иккинчи беш йиллик даврида пахтачилик Фарғона водийси, умуман, республика халқ хўжалигининг етакчи тармоғига айланди. Республика СССРнинг асосий пахта базаси бўлиб қолди. 1933 йилда пахта ялпи тайёрланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 81,5, 1937 йилда эса 93,4 фоизини ташкил қилди. 1933 йилда чет мамлакатларидан пахта келтириш батамом тўхталиб, СССРнинг пахта мустақиллиги таъминланди.

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. Статистический сборник. – Т.: 1967. – С. 136.

² Аминова Р.Х. Победа колхозного строя в Узбекистане (1933-1941 гг.) –Т.: Фан, 1981. – С. 208.

³ Ўзбекистон ССР тарихи. Учинчи том. 625-бет.

⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Б. 357-бет.

Иккинчи беш йиллик даврида пахта ҳосилдорлиги икки марта кўпайди. 1933 йилда гектаридан 8,2 центнердан, 1937 йилда эса 16,1 центнердан ҳосил олинди. Экин майдонларини кенгайтириш натижасида ялпи пахта ҳосилдорлиги анча оширилди.

Республика 1933 йилда 817,2 минг тонна пахта ҳосили олиб, йиллик пахта планини биринчи дафъа бажарди. Беш йилликда пахта етиштириш қарийб тенг баробар оширилди, яъни 1937 йилда давлатга 1527,9 минг тонна чигитли пахта топширилиб, беш йиллик план бажарилди.

Маъмурий сиқувга олиш, ошкора зўравонлик, “инқилобий” террор қишлоқ меҳнаткашларини жамоа хўжаликларига ҳайдаб киритиш чоғида “расмий колхоз қурилиши” режалари йўл-йўриқларининг сезиларли равишда ошириб бажарилишини назарда тутарди. Масалан, иттифоқ ҳукуматини айниқса қизиқтирадиган Ўзбекистоннинг пахта етиштириладиган туманларида ялпи коллективлаштириш 1932 йилнинг охирига бориб асосан тугалланди. Умуман эса республика бўйича жамоат сектори бу вақтга келиб барча деҳқон хонадонларининг 81,7 фоизини бирлаштирган эди. 880 минг деҳқон хўжалиги негизида 9734 та жамоа ва 94 та давлат хўжалиги ташкил этилди¹. 1937 йилга келиб коллективлаштирилган хўжаликлар даражаси 95 фоизга етказилди. Экин майдонлари бўйича эса 99,4 фоизни ташкил этди. 1939 йилда бу кўрсаткичлар 99,2 ва 99,6 фоиздан иборат бўлди².

Совет аграр сиёсати тизимида МТСлар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга муайян таъсир кўрсатиши керак эди. Хусусан, улар қишлоқ хўжалигида, айниқса пахтачилик соҳасидаги бир қатор ишларда механизацияни кўллашда ёрдам бердилар, юқорида кўрсатиб ўтилганидек механизатор кадрларни кўпайтиришга имкон яратиб бердилар. Шу билан бирга техникани машина-трактор станцияларида жамлаш йўли билан иш ташкил қилиш унинг барча имкониятларини очиб бера олмади. МТСлар ташкил этиши билан шартли қилиб айтганда иккита “хўжайин” қарор топди – бири техникага жавоб берса, иккинчиси қолган барча ишларга жавобгар эди, лекин аслини олганда кохозлар ҳам, МТСлар ҳам ҳақиқий “хўжайинлар” эмас эдилар, ҳақиқий хўжайин давлатнинг ўзи эди. Вужудга келган “қўш ҳокимиятчилик” натижасида ишлаб чиқаришни ташкил этишда ва техникадан фойдаланишда хўжасизлик юзага келди. Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги чорвачиликнинг маҳсулдорлиги учун жавобгарликни колхозчилар ҳам, станция ходимлари ҳам ўз зиммасига олмади, катта ва кераксиз ҳаражатларга сабаб бўлди.

1930 йилларда республикада совхоз қурилиши ҳам тез суръатлар билан амалга оширилди. У кўп жиҳатдан СССРнинг пахта мустақиллигини кўлга киритиш вазифаларини таъминлашга бўйсундирилган эди. 1940 йилга келиб совхозларнинг умумий сони республикада 85 тага етди³. Бироқ уларнинг колхозлар сингари жадаллик билан қурилиши қишлоқ хўжалигининг тараққиётини тезлаштиришга ёрдам беролмади. Совхозлар сиёсий раҳбарият “орзу қилганидек” самарали аграр ишлаб чиқариш намунаси бўла олмади. Колхозчилар сингари совхоз ишчилари ҳам ишлаб чиқариш воситалари ва ердан бегоналаштирилган бўлиб, ўзларини “хўжайин” деб ҳис қилишмас ва шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришда лоқайдлик ва боқимандалик ҳукм сурарди.

Хуллас, совет мустабид – империя тузумининг таянч тузилмасини ташкил этган жамоа хўжаликларига асосланган социалистик тизимининг таркиб топиши узоқ муддатли ҳалокатли оқибатларга олиб келди.

Сталинча жадал коллективлаштириш сиёсати ўзбек қишлоқлари соғлом тарихий тараққиёти жараёнларига тўсқинлик қилди. У деҳқонларнинг давлат томонидан асоратга солинишига олиб келди. Қишлоқдаги одам ва моддий заҳиралардан тўхтовсиз фойдаланишга асосий замин яратди. Миллий аграр ишлаб чиқаришни “қизил империя”нинг кенг кўламли хомашё манбаига айлантириш имконини берди.

¹ Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари. – Т.: “Шарқ”, 2000. – Б. 264.

² Ўша жойда.

³ Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. Статистический ежегодник. – Т.: 1967. – С. 144.

“Коллективлаштириш” натижасида мажбуран ташкил қилинган “колхоз-совхоз тузуми” ердан фойдаланишнинг яроқсиз шакли бўлиб, охир-оқибатда аграр ишлаб чиқаришни таназзулга олиб келиши муқаррар эди. Давлатнинг қишлоқдаги азалий анъанавий хўжалик алоқалари тизимига ёппасига аралашуви қишлоқ хўжалиги учун мутлақо зарарли бўлиб, социалистик муносабатларнинг мажбурий тикиштирилиши мустақил ривожланишнинг ички имкониятларини барбод қилди. Қишлоқ меҳнаткашларининг онги эса бузилиб борди. Деҳқонлар ерга ва ишлаб чиқаришга эгалик туйғусини, минг йиллардан буён сингиб келган меҳнатсеварлик фазилатларини йўқотиб бордилар. Улардаги меҳнатга, касб маҳоратига бўлган меҳр-муҳаббат совиб борди. Бу бузилиш жараёнларининг таъсири хали-ҳануз барҳам топган эмас. Республикамиз Президенти И.А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, бозор аграр ислохотларининг замонавий тажрибасида совет ўтмишидан мерос бўлиб қолган жиддий тўсиқ “ҳар қадамда учраётган расмийчилик, кўзбўямачилик, ишимизга юзаки қарашдир”¹. Бу зарарли иллатларнинг илдизи зўравонлик билан амалга оширилган коллективлаштиришда яширинган эди.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси миллий мустақиллигининг қўлга киритилиши ўзбек халқи маънавиятини қайта тиклаш ва бойитиш учун кенг истиқболли йўللарни очиб берди. Бу борада Ватан тарихини қайтадан, ҳаққоний тарзда яратиш муҳим ўрин тутди. Ҳаққоний тарих миллатнинг маънавиятига куч-қудрат қўшиб, миллий ғурурини уйғотади. Зеро “биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ ғоя керак. Бу ғоянинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаши ётади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас”².

Ватан истиқлоли туфайли юзага келган тарих фани олдидаги имкониятлардан фойдаланиб, Ўзбекистон тарихининг долзарб ва муҳим даврига оид мавзуни тадқиқ этишга жазм этдик. Мазкур мавзу Фарғона водийсида 1929-1932 йилларда советлар ҳокимияти томонидан амалга оширилган қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш, қулоқлаштириш сиёсати ва бу сиёсат жараёнида ўзбек қишлоғида содир бўлган ижтимоий ўзгаришлар тарихига алоқадор бўлиб, мазкур мавзуни таҳлил этиш асосида умумий хулосалар чиқаришга муваффақ бўлинди.

Ўзбекистоннинг яқин ўтмиши – 1920-1930 йиллар тарихини, хусусан советлар томонидан амалга оширилган аграр ислохотлар билан боғлиқ масалаларнинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш, тарихий тажриба сабоқларини ўрганиш, ўзбек қишлоғи ривожланиш жараёнидаги зиддиятларнинг пайдо бўлиш сабабларини тушуниб етиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, совет давлатининг қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш баҳонасида кўпгина деҳқон хўжаликларини “қулоқ” сифатида қатағон қилиб, хонавайрон этишдек мудҳиш сиёсатидан ва унинг оқибатида юз берган салбий ҳолатлардан асло кўз юмиб бўлмайди.

Коммунистик мафкура ва совет давлати ҳукмронлиги туфайли юзага келган қишлоқ хўжалигини «социалистик асос»да қайта қуриш назарияси ва тажрибаси бугунги кунга келиб тамоман ўз аҳамиятини йўқотди. Ўзбек қишлоғини табиий равишда ривожланишини тўхтатиб қўйган, деҳқонларда меҳнатдан манфаатдорлик ҳиссини сўндирган, бозор муносабатларининг емирилишига олиб келган аграр ўзгаришлар қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг кескин пасайишига олиб келди. Зўравонлик билан ўтказилган коллективлаштириш кўплаб ишбилармон, мулкдор деҳқонларнинг ерга бўлган муносабатини совутиб юборди.

Барча жойларда бўлганидек, Фарғона водийси қишлоқларидаги коллективлаштириш жараёни ниҳоятда шошма-шошарлик билан ўтказилди. Коллективлаштиришнинг таркибий қисми бўлган “қулоқларни синф сифатида тугатиш” тадбири эса ниҳоятда шафқатсизлик билан олиб борилди. Қулоқлаштириш жараёнида

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Иккинчи жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. 163-бет.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Шарқ», 1998. 29-бет.

кўплаб ер эгалари, мулкдорлар, умуман, қишлоқнинг бадавлат қатламлари “қулоқ” хўжалиги сифатида қатағон қилинди. Энг ёмони, бу жараёнда фақат бадавлат, ўзига тўқ деҳқон хўжаликларигина эмас, ўртаҳол, ҳатто камбағал деҳқон оилалари ҳам жабрланди.

Ушбу магистрлик диссертациясида совет ҳукуматининг Фарғона водийсида амалга оширган коллективлаштириш сиёсати ва унинг ижтимоий оқибатлари, бу сиёсатнинг Фарғона водийсидаги хусусиятлари ҳолисона, янгича ёндошувлар бўйича таҳлил қилинди, бу даврда юз берган воқеа-ҳодисалар ва сиёсий жараёнларни фактик ҳужжатлар, далиллар асосида ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Диссертацияда таърифлаб берилган масалага доир умумлаштирилган ҳулосалар қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда 1917 йил октябрь тўнтаришидан кейин большевикларнинг қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш ҳаракати бутун мамлакат учун ягона бўлган жараён асосида амалга оширилди. Бу сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда компартия ягона раҳбарлик ролини ўйнади. Бироқ, Туркистон, кейинчалик Ўзбекистон бу йилларда бир қатор ўзига хос хусусиятлари билан, миллий ижтимоий, иқтисодий ривожланиш жиҳатлари билан бошқа республикалардан фарқ қилар эди. Аммо бу хусусиятлар билан исоблашиш комфирка раҳбарларининг, жумладан Ўзбекистон маҳаллий раҳбарларининг ҳаёлига ҳам келмади.

Туркистоннинг большевик раҳбарияти марказнинг бу ўзгартиришларини ўзига хос “инқилобий” кескинлик ва сабрсизлик билан амалга оширишга ҳаракат қилди. Бироқ ўзининг кўпчилик қисми назарий ва амалий жиҳатдан етилмаган, маҳаллий аҳолининг урф-одатлари ва анъаналари билан таниш бўлмаган, уни назар-писанд қилмайдиган бу ҳокимият қутилмаган ҳодисаларга дуч келиб қолди. Асрлар оша шахсий мулк муқаддас ва дахлсиз деган ғоя руҳида тарбияланган туркистонлик деҳқонлар большевиклар томонидан ўтказилган аграр ислохотларни ва умуман, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш сиёсатини қўллаб-қувватламадилар. Лекин бунга қарамай коммунистик партия йўлбошчиларининг ташаббуси билан коллективлаштириш суръатлари кун сайин жадаллаштириб борилди. 1930 йилнинг март ойига келиб Ўзбекистонда деҳқон хўжаликларининг 47 фоизи коллективлаштирилди. Фарғона водийсидаги коллективлаштириш кўрсаткичлари бундан анча юқорироқни ташкил этди.

Ёппасига коллективлаштириш арафасида республикада “қулоқ” хўжаликларини чеклаш турли сиёсий-иқтисодий усулларда олиб борилди. “Қулоқ” хўжаликларини сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш уларга нисбатан қўлланган сиёсий жазонинг кенг тарқалган тури эди. Айни пайтда “қулоқ”лар билан бир қаторда савдогарлар, майда тадбиркорлар ва руҳонийлар ҳам сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар. Бу пайтда “қулоқ” тамғаси ёпиштирилган хўжаликлар турли иқтисодий тадбирлар бўйича ҳам сиқувга олинди. Бундай хўжаликлар зиммасига катта миқдорда солиқ солинди, оғир мажбуриятлар юкланди.

Комфирка ва совет давлатининг ўзбек қишлоғида юритган сиёсатининг салбий кўринишларидан бири бу қишлоқда синфий зиддиятларни авж олдириш бўлди. Қишлоқнинг турли ижтимоий табақага мансуб қатламлари сунъий равишда бир-бирига гиж-гижланди, улар орасига адоват уруғлари сочилди.

Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш натижасида якка деҳқон хўжаликлари тамоман тугатилди. “Қулоқ қилиш” кампанияси кўплаб кишиларни қонли қатағонлар гирдобига ташлади. Бунда “қулоқлар” ва “бойлар” тоифасига асосан янги иқтисодий сиёсат шароитида ўз хўжаликларини оёққа турғазиб олган ўртаҳол деҳқонлар киритилди. Чунки бирмунча бадавлатроқ қатламлар олдинги йилларда тугатилган эди. Биргина 1930 йилда республикада мол-мулки тўлиқ мусодара қилинган ҳолда 2648 та ўртаҳол деҳқон хўжаликлари “қулоқ” сифатида тугатилган эди. Коллективлаштириш ва қулоқлаштириш даврида қишлоқ аҳолисига нисбатан зўравонлик усуллари қўлланди, кўплаб ноҳақликларга йўл қўйилди. Аксари ҳолларда ўртаҳол, ҳатто камбағал деҳқон хўжаликлари ҳам тугатиб юборилди. Кўпинча ёлланма меҳнатдан фойдаланиш хўжаликнинг тугатиб юборилишига асос бўлар эди. Бироқ, шуни таъкидлаб ўтиш

лозимки, ёлланма меҳнатдан фойдаланиш Ўзбекистон шароитида деҳқоннинг ижтимоий тааллуқлилигини кўрсатувчи мезон бўлолмас эди.

Фарғона водийси қишлоқларидаги коллективлаштириш кампанияси ўта жадаллик ва шафқатсизлик усуллари билан ўтказилди. Маҳаллий партия раҳбарлари колхоз қурилишида юқори рақамлар ортидан қувиб деҳқонларга нисбатан маъмурий буйруқбозлик ва оммавий қатағон чораларини кенг қўлладилар. Фақат 1930 йилда Фарғона водийсининг ўзида 1000 дан ортиқ деҳқон хўжаликлари “қулоқ” қилинди, улардан аксарияти ОГПУ “учлик”лари орқали жазога тортилди. 1931-32 йилларда эса Фарғона водийси районларидан 5890 оила иттифокнинг бошқа минтақаларига сургун қилинди. Коллективлаштириш ва қулоқлаштиришни ўтказиш жараёнидаги мажбурлаш ва ноҳақдан жазога тортишлар қишлоқ аҳолисининг оммавий норозилик чиқишларига сабаб бўлди. Фарғона водийсининг аксарият жойларида бундай норозилик чиқишлари совет ҳокимиятига қарши сиёсий чиқишларга айланиб кетди. Айрим жойларда миллий истиқлолчилик ҳаракати яна қайтадан бошланди. Фарғона водийси районлари иттифок бўйича коллективлаштиришга қарши оммавий қарши чиққан (деҳқонларнинг оммавий чиқишлари, террористик актлар, варақалар тарқатиш ва ҳоказолар бўйича) районлар қаторига кирди. Оммавий норозилик чиқишларининг нисбатан кенг тарқалган кўринишларидан бири бу чорва ҳайвонларини арзон-гаров сотиш ёки сўйиб йўқотиш эди. Бунинг оқибатида Фарғона водийси чорвачилиги катта талофат кўрди. Мажбурлаш йўли билан ташкил этилган колхозлар майда, иқтисодий ва техник жиҳатдан заиф, самарасиз хўжалиklar эди.

Фарғона водийсида ва умуман, республикада амалга оширилган коллективлаштириш сиёсати, қишлоқдаги ижтимоий табақаларга қўлланган турлича муносабат ўзбекларнинг миллий хусусиятларига, одат-анъаналарига жиддий путур етказди. Ўзбек деҳқонларининг ерга, меҳнатга бўлган илиқ, самимий туйғуси кўполлик билан топталди. Меҳнатдан манфаатдорлик ҳисси тамоман йўқолди. Бу ҳолат яқин йилларгача ўзининг салбий оқибатлари билан намоён бўлиб келди.

Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш сиёсати ўзбек қишлоқлари соғлом тарихий тараққиёти жараёнларига тўсқинлик қилди. У деҳқонларнинг давлат томонидан асоратга солинишига олиб келди, қишлоқдаги одам ва моддий заҳиралардан тўхтовсиз фойдаланишга асосий замин яратди, миллий аграр ишлаб чиқаришни “қизил империя”нинг кенг қўламли хом ашё манбаига айлантириш имконини берди.

Коллективлаштириш ўзбек қишлоқларининг ишлаб чиқарувчи кучларига ҳаддан ташқари катта зарар етказди. 1933 йилда республикада навбатдаги очарчилик юз берди. Ғалла етиштириш кескин қисқартирилди, чорвачилик яна барбод бўлди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш тажрибаси деҳқонларнинг аҳволига фожиали таъсир кўрсатди. Сталинча раҳбарият томонидан белгиланган нореал топшириқларни қандай қилиб бўлса ҳам бажаришга интилган маҳаллий маъмурлар жамоа хўжаликларидан ҳам, хали оз бўлса ҳам сақланиб қолган яқка деҳқон хўжаликларидан ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тамоман тортиб оларди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда маънавий кадрлар қайта тикланаётган шароитда, бу борада улкан ишлар амалга оширилаётганини эътиборга олган ҳолда тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, диссертацияда бир неча таклиф ва тавсиялар илгари сурилди:

1. Мустақиллик йилларида совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида амалга оширилган аграр ўзгартиришлар ва унинг оқибатлари тарихини ёритишда бирмунча ижобий ишлар қилинди, бироқ бу кўп қиррали, зиддиятли масалаларни янада чуқурроқ, кенгроқ, ҳар тарафлама ўрганиш, тадқиқ ва таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.
2. Мавзу бўйича халигача фойдаланилмаган, янги тарихий манбаларни, архив ҳужжатларини илмий истеъмолга киритиш, архив ҳужжатлари тўпламларини бугунги кун талаблари даражасида нашр этиш зарур.
3. Советлар томонидан Фарғона водийсида амалга оширилган коллективлаштириш сиёсати тарихи ва унинг моҳиятини таҳлил этиш, унинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий

оқибатларини ўрганиш асосида бугунги кунда республикамизда амалга оширилаётган аграр ислохотларни оқилона ҳал этиш, янги ташкил этилаётган деҳқон фермер хўжаликларига кенг имкониятлар яратиб бериш лозим.

4. Республикамиз таълим тизимининг турли босқичларида Фарғона водийсида ўтказилган коллективлаштириш сиёсати унинг оқибатлари мавзусига бағишланган махсус курслар ташкил этиш, илмий-амалий конференциялар ва семинарлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

5. Ўрганишга ҳаракат қилинган ушбу мавзуни ҳаққоний ўрганиш, тадқиқ этиш ниҳоясига етгани йўқ. Шундан келиб чиқиб, ушбу муаммони ўзбек тарихшунослигидаги энг долзарб муаммолардан бири сифатида ўрганиш, тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

- 1.1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
- 1.2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
- 1.3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998. -31б.
- 1.4. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7- жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
- 1.5. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
- 1.6. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 76 б.
- 1.7. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини эҳс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009. - 24 б.
- 1.8. Каримов И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 56 б.
- 1.9. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.

II. Архив ҳужжатлари

- II. 2. Фарғона вилоят давлат архиви.
127-фонд, 1-рўйхат, 461-иш, 112-иш, 17-иш.
263-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 10-иш, 15-иш.
- II. 3. Андижон вилоят давлат архиви.
59-фонд, 1-рўйхат, 15-иш, 77-иш.
125-фонд, 1-рўйхат, 97-иш, 100-иш.
145-фонд, 1-рўйхат, 51-иш.
189-фонд, 1-рўйхат, 392-иш, 394-иш.
230-фонд, 2-рўйхат, 4-иш.

III. Ҳужжатлар ва материаллар тўпламлари

- 3.1. Деятельность компартии и советского правительства по развитию хлопководства в Узбекистане (1925-1937 гг.). Документы и материалы. – Т.: 1990.
- 3.2. Коллективизация сельского хозяйства. Важнейшие постановления Коммунистической партии и советского правительства. 1927-1935 гг. М.: Изд. АН СССР, 1957.
- 3.2. Репрессия. 1937-1938 годы. Выпуск 1. Документы и материалы. Сост.: Шамсутдинов Р.Т., Каримов Н.Ф., Юсупов Э.Ю. –Т.: Шарқ, 2005. -288 с.
- 3.2. Репрессия. 1937-38гг. Выпуск 3. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, ноябрь. Документы и материалы. Сост.: Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э, Мамаджанов А, Дусматов Э. – Т.: Шарқ, 2007. –496 с.
- 3.3. Репрессия. 1937-38гг. Документы и материалы. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, декабрь. Выпуск 4. Сост.: Шамсутдинов Р.Т., Абдуллаев М., Дусматов Э.П., Курбанов Х.Р. –Т.: Шарқ, 2008. – 576 с.
- 3.4. Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1917-1926 гг.) Сборник документов. – Т.: 1968.
- 3.5. Сплошная коллективизация сельского хозяйства Узбекистана (1930-1932 гг.). Сборник документов. Под редакцией Р. Х. Аминовой. –Т.: Узбекистан, 1980. -371 с.
- 3.5. Среднеазиатский кишлак в годы Большого террора. Сост.: Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э.Ю., Хошимов С., Дусматов Э.П. – Андижан, 2007. – 500 с.
- 3.6. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивания, ссёлка. 1929-1955гг. Документы и материалы. Том I-III. Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, Б.Расулов. Под ред. Д.А.Алимовой.
Том 1. –Т.: Шарқ, 2006. – 656 с.
Том 2. –Т.: Шарқ, 2006. – 496 с.

Том 3. –Т.: Шарк, 2006. – 352 с.

3.7. Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари (1937 йил 10 август -15 ноябр). Иккинчи китоб. [Хужжатлар ва материаллар] –Т.: Шарк, 2007. -496 бет.

VI. Адабиётлар

- 4.1. Алламурадов Д. Советы в борьбе за победу социализма в Узбекистане (1924-1937 гг.) – Т.: 1970.
- 4.2. Алимов И. Узбекское дехканство на пути к социализму. –Т.: Узбекистан, 1974. -240 с.
- 4.3. Алимова Д.А., Голованов А.А. Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйиқ оқибатлари. –Т.: Ўзбекистон, 2000. -108 б.
- 4.4. Алимова Д.А. Хотирага нақшланган ёзувлар. // Мулоқот. 2002. -№ 3. - Б.13-15.
- 4.5. Алимова Д. А. ва б. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 й.). 10-синф учун дарслик. – Т.: Шарк, 2000. - 416 б.
- 4.6. Алимова Д.А., Шамсутдинов Р.Т. К изучению проблемы историографии и истории коллективизации сельского хозяйства. // O'zbekiston tarixi, 2007. -№ 1. –Б.24-34.
- 4.7. Алимова Д.А. История как история, история как наука. В двух томах. Т.1. Т.: Ўзбекистон, 2008. - 280 с; Т.2. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 184 с.
- 4.8. Аминова Р., Абдусатторов Г. Ленинча кооператив планнинг тантанаси. –Т.: Фан, 1974. – 56 б.
- 4.9. Аминова Р.Х. Аграрные преобразования в Узбекистане в годы перехода Советского государства к НЭПу. – Ташкент: 1965.
- 4.10. Аминова Р.Х. Осуществление коллективизации в Узбекистане (1929-1932 гг.) –Т.: Фан, 1977. – 312 с.
- 4.11. Аминова Р.Х. Победа колхозного строя в Узбекистане (1933-1941гг.) –Т.: Фан, 1981. – 289 с.
- 4.12. Аминова Р.Х. Коллективизация: как это было? // Коммунист Узбекистана, 1991. № 9. С. 31-33.
- 4.13. Аминова Р.Х. Аминова Р. Коллективлаштириш – кашшоқлаштириш демак. // Шарк юлдузи. 1992. №12. -Б.183-188.
- 4.14. Аминова Р.Х. Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане. –Т.: Фан, 1995. 206 с.
- 4.15. Аминова Р., Жамолхожи И. Кулоқ қилинганлар қисмати. // Мулоқот, 2001. -№ 4. – Б.25-26.
- 4.16. Андижон тарихидан лавҳалар. – Андижон: 2008.
- 4.17. Голованов А.А. Крестьянства Узбекистана: Эволюция социального положения 1917-1937гг. –Т.: Фан, 1992. – 162 с.
- 4.18. Давидов А.М. Аграрные преобразования и формирования социалистического землепользования в Узбекской ССР. – Т.: Наука, 1965.
- 4.19. Джамалов О. Б. Развитие материально-производственной базы колхозов Узбекистана. – Т.: Госиздат Уз ССР, 1959. – 212 с.
- 4.20. Джамалов О.Б. Социально-экономические предпосылки сплошной коллективизации сельского хозяйства в Узбекистане. – Ташкент: 1950.
- 4.21. Зайченко Ж.А. Классовая борьба в узбекском кишлаке (1925-1929 гг). Т.: «Узбекистан», 1989.
- 4.22. История народного хозяйства Узбекистана. Том 1. – Ташкент: 1962.
- 4.23. Кунакова Л.З. Земельно-водная реформа в Ферганской долине (1925-1926 гг.) – Ош: 1962.
- 4.24. Кунакова Л.З. Земельно-водная реформа в Узбекистане (1925-1929 гг.) – Фрунзе: Мектеп, 1967.
- 4.25. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари (1865-1990 йиллар). – Т.: “Шарк”, 2000. 262 б.

- 4.26. Р.Ё.Ражапова ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Умумтаълим мактабларининг 9-синфи учун дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 1994.
- 4.27. Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917-1924 й.). – Т.: Университет, 2002. 168 б.
- 4.28. Расулов Б.М. Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонлар ва сургун қилинган деҳқонлар аҳволи (1929-1959 йиллар) – Т.: “Шарқ”, 2012.
- 4.29. Решения партии и правительства по хозяйственным вопросам. – М.: 1967.
- 4.30. Ризаев Г. Краткий очерк земельно-водная реформы в Узбекистане. – Ташкент: 1947.
- 4.31. Ризаев Г. Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет. – Т.: 1957.
- 4.32. Рыбаков П.А. Деревня накануне коллективизации (на примере Московской области) // Вопросы отечественной истории. Межвузовский сборник научных работ молодых ученых. Выпуск 10. – М.: 2007. – С. 52-56.
- 4.33. Сельское хозяйство Узбекистана за 15 лет. 1924-1939 гг., Статистический сборник. – Т.: Сельхозгиз УзССР, 1939.
- 4.34. Советское крестьянство. – М.: Наука, 1973.
- 4.35. Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. Масъул муҳаррир Н. Каримов. –Т.: Шарқ, 2006. – 304 б.
- 4.36. Торжество ленинского кооперативного плана в Узбекистане. –Т.: Узбекистан, 1970.
- 4.37. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи (Ўзбекистон шўролар истибдоди даврида). Иккинчи китоб, иккинчи қисм. – Андижон: “Мерос”, 1998.
- 4.38. Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Т.:Шарқ, 2001. 368 б.
- 4.39. Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). –Т.: Шарқ, 2003. 544 б.
- 4.40. Шамсутдинов Р., Мамажонов А. Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати. –Т.: Шарқ, 2005. 336 б.
- 4.41. Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi (O'zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida). Uchinchi kitob. To'ldirilgan, qayta ishlangan ikkinchi nashri. – Т.: SHARQ, 2010.
- 4.42. Ўзбекистон ССР тарихи. Учинчи том. Бош муҳаррир И.М.Мўминов. –Т.: Фан, 1971. 712 б.
- 4.43. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. Т., 2003.
- 4.44. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М. Жўраев. – Т.: Шарқ, 2000. –688 б.

V. Диссертация ва авторефератлар

- 5.1. Абдуллаев М.Ғ. Ўзбекистонда советларнинг кулоқ қилиш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари (1925-1945 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий даражаси учун тайёрланган диссертация. – Андижон : 2002. 156 варақ.
- 5.2. Мамажонов А. Коллективлаштириш жараёнида Ўзбекистон қишлоқларидан Шимолий Кавказга сургун қилинганлар. Тарих фанлари номзоди илмий даражаси учун тайёрланган диссертация автореферати. –Андижон: 2005. 32 бет.